

1930 йил
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

Тўстиса

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ИИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

№ № 41 — 42

(2578 — 2579)

1993 йил

28 МАЙ

ЖУМА

СОТУВДА ЭРКИН
НАРХДА

ЕРЕВАНДА УЧРАШУВ

Шу йилнинг 12-13 майда Арманистон Республикасининг пойтахти Ереванда мустақил давлатлар ички ишлар вазирларининг навбатдаги Кенгаши бўлиб ўтди.

Унда собиқ иттифоқдош республикаларнинг вакиллари (Озарбайжон, Литва ва Молдовадан ташқари) ҳозир бўлдилар.

Кенгашда Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги номидан вазир ўринбосари И. Мамадалиев ва Штаб бошлиғи Ш. Мавлонов иштирок этди.

Учрашув давомида эксперт-криминалистика ишлари соҳасидаги

ҳамкорлик, илгари тузилган битимлар, уюшган жиноятчилик ва СНГ ҳудудидаги бошқа жиноят турларига қарши кураш бўйича биргаликда олиб бориладиган чора-тадбирлар дастури, шунингдек, мақсад қилиб қўйилган бошқа қатор режаларни рўйбга чиқариш борасида ички ишлар вазирликлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик қилиш масалалари муҳокама қилинди.

Ички ишлар вазирликлари ўртасида тезкор хизмат фаолиятини техникавий-криминалистик жиҳатдан таъминлаш бўйича ҳамкорликни мустаҳкамлаш тўғрисида Битим имзоланди.

Делегацияларнинг раҳбарлари томонидан ўз мамлакатларининг қонун чиқарувчи олий идораларига қарата фуқаролик, оилавий, жиноят-қидирув ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳамда ҳуқуқий муносабатлар ҳақидаги Конвенцияни тезроқ кўриб чиқиш ва ратификация қилиш ҳусусида мурожаатнома қабул қилинди. Уни СНГ аъзолари бўлган давлатларнинг раҳбарлари 1993 йил 22 январда Минск шаҳрида имзоланган эдилар.

А. ТИЛЛАХУЖАЕВ,
милиция подполковниги.

САМАРҚАНД вилоятининг Пахтачи тумани ички ишлар бўлими навбатчиси, милиция капитани Умрзоқ Раззоқов 1975 йилдан ички ишлар идораларида хизмат қилиб келади. Ўн саккиз йил бўлибдики, У. Раззоқов хизматнинг барча машаққатли ва қувончли кунларини бошидан кечириб келаяпти. Ўтган умридан ҳеч нолиган эмас.

Хизматдошларига ўрнатилган кўрсатиб келаятган ходим.

1991 йилдан бери навбатчилик қисмида.

Суратда: У. Раззоқов.

ЯҚИНДА Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ходимлари томонидан яна бир жиноий гуруҳ қўлга олинди. Гуруҳ асосан тўппонча-ручка ясаб чиқариш билан шуғулланар экан.

Қўлга олинганларнинг енидан учта жанговар тўппонча-ручка, 37 та патрон олинди.

Суратда: (чапдан) Тошкент шаҳар ИИББ эксперт бошқармасининг катта эксперти, милиция лейтенанти В. Қурбонов ва эксперт, милиция кичик лейтенанти М.

Исматуллаевлар жиноятчилардан олинган ашевий далилларни назоратдан ўтказмоқдалар.

Сурат муаллифи А. ХАЛИЛОВ.



"ҚОРАДОРИ-93"

СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН

Яқинда наслимизнинг келажаги — "Соғлом авлод учун" ордени таъсис этилди. Шунингдек, махсус халқаро жамғарма тузилди. Президентимиз Республика Олий Кенгашининг ўн иккинчи сессиясида нутқ сўзлаб, соғломлик деганда нафақат жисмонан бақувват фарзандларни, балки маънавий жиҳатдан баркамол авлод, уларнинг келажаги ҳам назарда тутилишини алоҳида таъкидлади.

Ҳақиқатан ҳам авлодлар келажаги, тақдири ўз қўлимизда. Биз амалга ошираётган ишларимизнинг самараси сазой-ҳаракатларимиз қанчалик тўғри ёки нотўғри эканлигига, тиниқ ва теран фикр юритишимизга боғлиқдир. Шу туфайли кейинги пайтда давлат, ҳуқуқ-тартибот идораларининг ҳамда кенг жамоатчиликнинг фикру зикри ана шу муҳим ишга қаратилмоқда. Бироқ инсон миясини заҳарлайдиган, киши руҳини синдириб, сархуш қиладиган, келажак учун хавф солиб жиноят сари бошлайдиган заҳарли моддаларни истеъмол қилувчилар сони эса ҳамон камайётгани йўқ. Аксинча, баъзи бир минтақаларда бу ҳолат ўтган йиллардагига қараганда бир мунча ташвишлидир.

Оператив вазият шуни кўрсатиб турибдики, гиёҳвандлик тобора ёйилиб бораётган қора булутга ўхшайди. Таркибида заҳарли моддалар бўлган экинларни экиш ҳамон давом этмоқда. Оқибатда ўтган йили гиёҳвандлик моддаларини баданига сиғдириб олган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар икки ҳиссага

ошиб кетди. Бу жиноятларнинг олтмиш фоизи Тошкент шаҳри ва вилоятида содир этилди. Бундан ташқари бевосита қорадори тайёрлаш, сотиш, манзилга элтиб бериш қабилар билан боғлиқ бўлган жиноятлар ҳам кўпайди. Қисқаси, қорадори билан шуғулланишни касб қилиб олганлар сони ошди.

Республика ички ишлар идоралари ходимлари бу иллатнинг олдини олишга ҳаракат қилиб, унга қарши курашни борган сари кучайтирмоқдалар.

Айниқса, нашавандлик инсоният душмани эканлигини дилдан чуқур ҳис қилган кўпчилик вилоятлар ИИБ ходимлари кўзга кўринарли ишларни амалга ошираётирлар. Жумладан, Сурхондарё вилояти ИИБ профилактика хизмати тизими ходимлари томонидан шу йилнинг биринчи чорагида кўплаб ими-жи-мида гиёҳванд моддаларни сақлаётган, таркатаётган, уларни тайёрлаб мижозларга етказиб бераётган шахслар аниқланиб, жиддий чора-тадбирлар кўрилди. Жиноятчиларни жавобгарликка тортиш, тиббий руҳсати бўлмаган ҳолда қорадори истеъмол қилувчиларни ҳисобга олиш кучайди. Улардан олтмиш килограммдан ортиқ гиёҳванд моддалар мусодара қилинди: шулардан 48 килограмми наша, 12 килограмми кўкнор ва бошқа гиёҳванд моддалардир. Фақат милиция участка вакилларининг кучи билан фуқаролардаги 44 килограммдан кўпроқ гиёҳванд модда аниқланиб, мусодара қилинди.

(Давоми 2-бетда).

Икки жума оралиғида

ҲАМТОВОҚЛАРИ ҚИДИРИЛМОҚДА

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги Қорақамиш 2/4 даҳасининг 70-уйида истиқомат қиладиган Н. Т. нинг хонадонига куппа-қундуз уч шахс бостириб киришди. Улар хонадон бекасига тўппонча ўқталиб, калтаклаб, "Панасоник" видеомагнитофонини, тилла буюмлари ҳамда устидаги курткани тортди олиб, хайр-маъзурни насия қилиб кетиб қолдилар.

Милиция ходимларининг сазой-ҳаракатлари туфайли жиноятчилардан бири — 1970 йилда туғилган В. Б. ушланди. Унинг ҳамтовоқлари қидирилмоқда.

ОЛТИНФУРУШЛАР

Қўшработ туманидаги 58-мактаб ўқитувчиси Н. У. Оқчопсой сувидан қуйиб олган 12 грамм тилла кумни 108 минг сўмга пуллаётганида ИИБ ходимлари томонидан қўлга олинди. Унинг уйда тинтув ўтказилганда 10 грамм қорадори ва 5 грамм кўкнори топилди.

Шу кишлоқлик 1970 йилда туғилган Т.О. 6 грамм тиллани 420 минг сўмга сотаётганида ИИБ ходимлари томонидан қўлга олинди. Айни пайтда бу икки олтинфуруш устидан жиноий иш кўзга тилди.

УЙДА... ЖАНГОВАР ГРАНАТА

Когон туманидаги Лермонтов кўча, 3-уй хонадонларидан бирида истиқомат қилувчи, 1965 йилда туғилган В. Г. нинг квартирасидан икки дона "РГ-42" жанговар гранатаси ва саккиз дона портагич топилди. Ушбу жиноий иш бўйича терговни ИИБ олиб бораётир.

"ПИВОХЎРЛАР"

Тошкент-Термиз йўлининг 479-километрида дам олиб ўтирган пойтахт Марказий юк фашиш автокорхонаси ҳайдовчиси А. Н. га кўкхисдан хужум қилиб, "КамАЗ-5320" белгили, 54-40 ТНМ рақамли автомашинадаги 30 кути (600 шиша) пивони тортди олиб, гойиб бўлдилар. Пивоҳўрларни ушлаш чоралари кўрилаяпти.

НАВБАТ КОМПЬЮТЕРЛАРГА!

Ангор туманидаги Ангор кишлоғида жойлашган

пахта тозалаш заводи бош ҳисобчисининг хизмат хонаси эшигини номаълум шахслар бузиб кириб, у ердан икки дона компьютер ва Японияда ишлаб чиқарилган ротаторларни ўмариб кетишди.

СУРИШТИРУВ БОШЛАНДИ

Жиззах қайта таъмирлаш заводи оператори, 1968 йилда туғилган Ф. М. нинг уйда текширув ўтказганда Макаров тўппончасининг саккиз дона ўқи, иккита ов милтигининг гильзаси ва хужжатсиз "Урал" белгили битта мотоцикл топилди. Суриштирув ишлари ўтказилаяпти.

ҚЎЛБОЛА "РЕВОЛЬВЕР"

Андижон ИИБ ходимлари навбатдаги тезкор тадбир пайтда шаҳардаги 5-кичик туман, 8-уйда яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган, 1957 йилда туғилган Т. Б. нинг хонасидан бир дона қўлбола "Револьвер" тўппончаси ҳамда унинг 5,6 миллиметрли беш дона ўқи топилди.

ПАЛИДЛАР УШЛАНДИ

Пастдаргом туманида от спорт мураббийси, 1969 йилда туғилган А. Т. ни зўрлаб номусига теккан шахслар аниқланиб, ушланди. Энди улар ўз ифлосликлари учун одил суд олдида жавоб берадилар.

БУЗОҚНИНГ ЮГУРГАНИ...

Жомбой туманидаги Саричашма кишлоғида жойлашган 66-дорихонага номаълум шахс кириб борди ва мудира Р. К. га дўк-пушса қилиб 100 минг сўм пул топиб беришни талаб қилди. Дағдагадан кўрқиб кетган мудира ёнидаги ва кассадаги пулларни йиғиштириб, жами йигирма минг сўм пулни товламачига узатди. Товламачи бундан қониқмай: "Қолган 80 мингини эртага эрталаб саккизда Самарқанд шаҳридаги Чўпонота автобус бекатида олиб борасан", деб жуфтакини ростлади.

Келишилган кун, соатда мудира автобус бекатида пайдо бўлди. Ундан 80 минг сўм пулни олаётганида товламачи ИИБ ходимлари томонидан қўлга олинди.

Т. МУРОДОВ.

Ўтган йилнинг 4 декабрь куни Наманган шаҳар Лангар (собиқ Воровский) кўчасидаги 83-уйда яшовчи Исроиҳон Бурҳонхўжаев хонадонда ўғирлик содир бўлди. Номълум шахслар видеомагнитофон, турли кийим-кечаклар, пул, заём, доллар каби жами 600 минг сўмлик ашёларни ўғирлаб кетишди. Нима қилиш керак? Албатта, бундай пайтда зудлик билан милицияга хабар берилди.

Бу оиладагилар эса бутунлай бошқача, ҳатто қутилмаган йўлни танлашди.

Ўғри битта, гумондор мингта. Мол аччиги — жон аччиги, деганларидек, хонадон соҳиблари

ЎҒИРЛИККА ҚАРШИ ЎЗБОШИМЧАЛИК

Ўғрини ўзлари топиб, ўзлари жазоламоқчи бўлдилар. Гумон қилинган кишилардан бир нечаси ўзига хос усуллар билан олиб келиниб, сўроқ қилинди. Айримларига тан жароҳати етказилди.

Балки бу машамалар босилиб, ёпиғлик қозон ёпиғлигича қолиб кетиши ҳам мумкин эди. Аммо калтакланиб, тан жароҳати олганлар касалхонага тушдилар. Шундан кейин улар милицияга ариза ёзиб, шикоят қилишди.

Милиция ходимлари вазиятни ойдинлаштиришди. И. Бурҳонхўжаев уйдан қирқма милтиқ топилди. Ўзбошимча И.

Бурҳонхўжаев ва унинг бештафар қариндоши устидан жиноий иш қўзғатилди. Суд уларнинг ҳар бирини 3 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш тўғрисида ҳукм чиқарди.

Воқеанинг давоми мана бундай. И. Бурҳонхўжаевнинг хотини шу йил январь ойининг охирига ўғирланган нарсаларни топишда ёрдам беришларини сўраб вилоят жиноят-қидирув бошқармасига ариза берди. Милиция подполковниги А. Мўминов, милиция лейтенанти М. Жўраевларнинг олиб борган изланишлари натижасида ҳақиқий ўғирлар топилди. Улар 1974 йилда

туғилган, Уйчи тумани Машад қишлоғида яшовчи, ҳеч қасрда ўқиб-ишламайдиган Баҳодир Маҳмудов, унинг тенгдоши ва ҳамқишлоғи, ўқиб-ишламайдиган Абдурахмон Турғуновлар экан. Видеомагнитофон билан кийим-кечаклар эгасига қайтарилди. Пул ва заёмларни эса ишлатиб юборишган экан.

Мана, ўзбошимчаликнинг оқибати. Агар милицияга ўз вақтида хабар қилинганда, 6 киши жиноятчига айланмасди. Ўғирланган нарсалар эртароқ, балки тўлиқроқ топиларди. Ўғирлар ҳам жиноятларига яраша жазо олишарди. Жиноятга қарши жиноий йўл билан курашиш асло яхшиликка олиб келмайди.

И. КАРИМОВ,
милиция майори.
Наманган шаҳри.

ҚИСҚА САТРЛАР

ИНСОНИЙЛИКНИ ЙЎҚОТИБ...

Ф. Хўжаев туманидаги «Ёшлик» кинотеатри олдида жойлашган богда кеч соат 20 ларда йўлдан ўтиб бораётган еш қизга номълум шахс куч ишлатиб номуслига тегишга ҳаракат қилди. Бироқ инсонийликни йўқотган бу шахс жирканч ниятини амалга оширолмади. У ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинди. Терговни туман прокуратураси ходимлари олиб борапти.

МИНИШГА УЛГУРМАДИ

Кундуз соат 12 да Бухоро шаҳридаги С. Муродов кўчасида 10-курилиш бошқармасининг ишчиси Ж. Ашуровнинг велосипеди ўғирлаб кетилди. Милиция ходимларининг сай-ҳаракатлари натижасида велосипед ўғирчи қўлга олинди. У 9-синф ўқувчиси В. А. бўлиб чиқди.

БИР КУНДА ИККИ ЎҒИРЛИК

Тўқимачилик туманидаги Ульянов кўчасида ҳамда 5-кичи тумани 19-уйдаги хонадонларнинг бирида бирин-кетин ўғирлик содир этилди. Қарантки, ҳар иккала жиноятга ҳам биз доимо эъзозлаб келган, ҳар биримиз учун мўтабар бўлган аёллар қўл урган экан. Биринчи ўғирликни эндигина 17 ёшга кирган қиз М. О. содир этган бўлса, иккинчисига ҳаётнинг аччиқ-чучугини қўрган, 43 ёшли М. Ф. қўл урган. Энди ҳар иккаласи қонун олдида жавоб беради.

ЖИНОЯТЧИЛАР ҚИДИРИЛМОҚДА

Тўқимачилик туманидаги Жомий кўчасида яшовчи А. Б. нинг уйдан номълум шахслар томонидан Японияда ишлаб чиқарилган 2 та видеомагнитофон, 25 дона касета ва тилла буюмлар ўғирлаб кетилди. Жиноятчилар қидирилмоқда.

ТОВЛАМАЧИ

Гиждубон туманидаги хўжалик ҳисобидидаги поликлиника хизматчисининг енига еш бир йигит кириб, ундан 10 минг сўм пул топиб беришни талаб қилди. Ноилож қўлган хизматчи аёл ички ишлар ходимларига мурожаат қилди. Қўрилган чоралар натижасида товламачи ушланди. У туман марказий касалхонасининг электрғи Н. бўлиб чиқди.

СУИҚАСД

Вобкент туманидаги «Нурафшон» жамоа хўжалигида яшовчи 23 ёшли аёл куппа-кундузи устидан керосин сепаб ёқиб юборди. Суиқасд сабабини туман прокуратураси ходимлари аниқлашади.

ЎҒИРЛИКНИ КАСБ ҚИЛИБ...

Қоровулбозор туманидаги 1-давлат хўжалигида яшовчи Х. Рўзиевнинг сигири, Ж. Мухиддиновнинг новвоси билан сигири, Ш. Муродовнинг сигири бир кечада гойиб бўлди. Улар бу ҳақда милицияга хабар беришди. Милиция ходимлари ўғирларнинг режаларини пучта чиқаришди. Бировларнинг меҳнати эвазига бойлик орттиришни орау қилган тумандаги «Комплексная» автоколоннасининг 26 ёшли ҳайдовчиси З. И. ва муқаддам судланган, 3-давлат хўжалигида қоровул бўлиб ишловчи 28 ёшли С. М. лар тумшукларидан илинишди. Энди улар одил суд олдида жавоб беришлари аниқ.

Бухоро вилоят ИИБ матбуот гуруҳи.

ХАВФЛИ КОЛЛЕКЦИЯ

Шу йилнинг 3 апрелида тахминан соат 20 дан 15 дақиқа ўтганда Наманган шаҳар ИИБ ДАН бўлими йўл-патруль хизматининг катта нозир, милиция катта лейтенанти Ш.Қодиров, йўл ҳаракатининг нозирлари, милиция сержанти А.Маматхонов ва милиция кичик сержанти К.Ортиқов Наманганнинг Машраб ва Ибрат кўчалари чорраҳасида автоулов ҳаракатини назорат қилмоқда эдилар. Фуқаро А.Мирзаевага тегишли бўлган «Москвич-412» машинаси текшириш учун тўтатилди, Мирзаевнинг ёнида керакли ҳужжатлар бўлмаганлиги сабабли протокол тузила бошланди. Ана шу машина салонидида ўтирган, уларни кўриши билан қўлидаги тугунини бекитиб, қочишга уринган кишининг ҳатти-ҳаракатлари нозирлар эътиборини ўзига жалб этди.

Уша заҳоти ушланган киши Наманганда яшовчи, 2-пахта заводида ишлайдиган Ҳ.А. бўлиб чиқди. Тугундан етмиш сантиметрли тиғи бор шамшир чиқди. Тезкор гуруҳ шу заҳоти ана шу фуқаронинг уйда тин-тув ўтказди, уйдан йигирма ва ўн олти калибрли милтиқлар, қўлбола тўппонча, шамширлар, Калашников автомаоти ва Макаров тўппончаси патронлари, турли калибрдаги мингдан ортиқ патронлар, 500 грамм порох топилди. Бундан ташқари ашёвий далил сифатида токарлик дастгоҳи, атлас тўқиш учун ишлатиладиган дастгоҳ, қўлда тўқилган 228 метр атлас, 5 қоп вискоза ипаги ва 70 та икки ўрамли галтак мусодара қилинди.

Ҳ.А.га нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Мажмуасининг 210-моддасида кўзда тутилган жиноятни содир қилишда айбланиш бўйича жиноий иш қўзғатилди. Бу иш юзасидан туғилган барча саволларга тергов давомида жавоб олинади деб ўйлаймиз.

Эртаси куни, 4 апрелда, Чуст туманидаги Варзиқ қишлоғи фуқаросининг уйда текширув ўтказилганда қўлбола милтиқ ва икки тўппонча топилди, улар ҳам мусодара қилинди.

К. ИКРОМОВ.

ҚИМОРГА ЮТҚАЗИБ

Шу кун ҳам 17-автобус саройи ҳайдовчиси Мухаммадхон Ҳайитов одатдагидай ишга келиб, ўз шахсий машинасини яна қўриқланадиган улов сақланадиган жойга қўймади. Унинг фикрича, мана, шунча вақтдан бери шу ерга қўяди, ҳеч бир нарсаси йўқолгани йўқ-ку? Аммо бу сафар бундай бўлмади.

9 март куни соат 12 лар чамаси Совет тумани 17-автобус саройи олдида «М-412» белгили, рақами Д 24-44 НА бўлган яшил рангдаги автомашина номълум шахс томонидан олиб кетилганлиги ҳақида хабар қилиниши билан барча ходимлар ўз постларига чиқиб, ҳамма зарур чораларни кўришди. Орадан ярим соат ҳам ўтмасдан уловни темир йўл вокзали олдида кўришганлиги аниқланди.

Вилоят ИИБ ДАН бўлими суриштирув бўлинимаси бошлиғи, милиция катта лейтенанти А.Шоматов ва шу бўлинима ходими, милиция старшинаси А.Эшоновлар унинг изига тушишди ва ўғрини 1-хунара-техника билан юрти олдида қўлга олишди. У Уйчи тумани Машад қишлоғида яшовчи, ҳеч қасрда ишламайдиган Б.М. экан.

Тергов вақтида Б.М. шундай деди:

— 9 март куни соат 12 ларда Д 24-44 НА рақамли улов ҳайдовчиси ишхонасига кириб кетди, мен шундан кейин ўзимнинг калитим билан автомобил эшигини очдим ва юргизиб кетдим.

У уловни тўғри сингисининг

уйига миниб борди, уларга «бу ўртоғимники» — деб айтди ва шу ерда турсин деди. Лекин улар автомобилни ўртоғинга қайтариб олиб бориб бер, дейишади ва уни уйга киритишмайди.

— Мен бир гуруҳ болалар билан қимор ўйнадим ва 50 минг сўм пул топшиш учун ушбу автомобилни олиб қочдим, автомобилни бўлақларга бўлиб сотмоқчи эдим, — деди у терговда.

Улов эгасига бутунлигича қайтарилди. Мана, кўриниб турибдики, ҳозирги айрим ёшлар ишга бўйин экилари келмайди, дуч келган кишилар билан муштлашишда ва ниҳоят мумкин бўлмаган ўйинлар ўйнашади. Натижада шундай жиноят содир этганликларини ўзлари ҳам сезмай қолишади.

Кўпинча ўйланиб қолсан, нима сабабдан жиноятлар содир этилмоқда? Буларнинг юз беришига ҳайдовчиларнинг ўзлари сабабчи бўлмаётганлигини? Кўпинча очикда, қаровсиз қолган нарсалар ўғирланади. Бир неча минг сўмга олинган бу автомобилни қўриқланадиган жойда сақлаш ёқи ҳозирги замонавий ташвишгоҳ қурилмаларни ўрнатиб билан жиноятнинг олдини олишлари мумкин эди-ку.

Б.НУЪМОНОВ,
Наманган вилоят ИИБ ДАН бўлими тарғибот ва ташвиқот бўлинимаси назоратчиси, милиция катта сержанти.



Бозорда тартиб-интизомни сақлаш, қонун бузилиш ҳолатларининг олдини олишда участка вакилларининг бевосита хизматлари катта.

Суратда: (чапдан) Шайхонтоҳур деҳқон бозорининг участка вакили, милиция капитани Х. Тошпўлатов ва милиция лейтенанти А. Абдуразоқов, милиция сержанти Ш. Шожалиловлар чайқовчилардан олинган молларни кўздан кечирмоқдалар.

Б. Холмирзаев олган сурат.

«Корадори - 93»

СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН

(Давоми. Боши 1-бетда).

1993 йилнинг биринчи чорагида қорадори истеъмол қилган, сақлаган ва транспортларда олиб юрган кишиларга нисбатан 84 та жиноят иши қўзғатилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврида 18та эди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, қорадори билан шуғулланувчиларга қарши курашда бир қатор милиция участка вакилларининг хизматлари таҳсинга лойиқдир. Шу йил 22 январда Термиз темир йўл шоҳбекатида милиция капитани Н. Мўминов новосибирсклик Владимир Бобровни шубҳа билан ушлаб, текшириб кўрганда унинг бу ерга бекорга келмаганлиги маълум бўлди. В. Бобровнинг ёнидан кўп миқдорда гиёҳванд моддалар олиниб, унинг устидан жиноий иш қўзғатилди.

Февраль ойининг иккинчи куни куппа-кундузи 1976 йилда туғилган душанбеллик Фахриддин Сафаровнинг ножўя ҳаракатлари Денов шаҳри милиция участка вакили, милиция капитани Хушбек Чориевнинг диққатини тортди. Текшириб кўрилганда унинг ёнидан 76 та гугурт қутисига жойлашган гиёҳванд моддалар топилди.

Участка вакиллари, милиция капитанлари Йўлдош Худойбердиев ва Кенжа Ёқубовлар томонидан ушланган фуқаро Охунжон Азизовнинг ҳалтасидан 10 килограмм гиёҳванд модда чиқди. У тақиқланган гиёҳванд модда олиб юргани учун қонун олдида жавоб беришига тўғри келди. Бундай

мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Республикамининг барча вилоятларидаги ИИБ ва уларнинг жойлардаги ички ишлар бўлимлари ходимлари соғлом авлод таълим-тарбияси учун кўплаб ишларни амалга ошираётирлар. Бироқ, уларнинг бу ишига озгина бўлса-да, ҳисса қўшадиган фуқаролар орангиздан чиқиб қолса ва улар осойишталик посбонларига чин кўнгилдан ҳолисона ёрдам кўрсатсалар нур устига нур бўларди, иллатнинг пайини қирқиш анча осон кечарди. Гиёҳвандлик билан жабр чекувчилар ва жиноят содир этаётганлар миқдори кескин камаярди.

Айни шу мақсадда ишни тобора ривожлантириб гиёҳвандликка қарши курашни кучайтириш мақсадида ИИБ томонидан шу йилнинг январь ойида кенг кўламли дастур ишлаб чиқилди. Унда йил давомида гиёҳванд ва кучли таъсир этувчи захарли моддалар билан ноқонуний равишда шуғулланаётганларга қарши кураш борасида ички ишлар идораларининг вазифалари белгилаб берилди.

Инсоният саломатлигига хавф солиб турган иллат — гиёҳвандликка қарши кураш нафақат милициянинг, балки умумхалқ ишидир. Шундай экан, ҳар бир соғлом фикрли инсон бу ишда осойишталик посбонларига ёрдам бермоғи керак.

Сиддиқ СУЛАЙМОНОВ,
ИИБ Профилактика хизмати бошқармаси катта инспектори, милиция майори.

ЎРГАНГАН КЎНГИЛ...

Яқинда Бўстонлик тумани ички ишлар бўлими жиноят-қидирув бўлими ходимлари томонидан бир жиноят очилди. Унда фуқаро Ш.Б.Газалкент шаҳрида истиқомат қилувчи, илгари гуруҳ билан ўғирлик қилгани учун судланган Р.Ю. билан ўзаро жиноий тил бириктирган ҳолда Чорвоқ қасабасидаги "Наврўз" дўконининг асосий эшигини бузиб, ичкарига кирдилар. Бу ҳаракатлар билан улар давлат мулкни талон-торож қилганлари учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят Мажмуаси 114-моддасининг 3-қисми билан айбли, деб топилдилар.

Уларнинг хонадонлари тинтув қилинганда қўлга туширилган ашёвий далиллар гумондорларнинг

айбларига иқдор бўлишларига мажбур этди. Уларнинг уйларидан "Наврўз" дўконига қарашли бўлган 20 дона "Ахтамар" коньяги — бир шишасининг нархи 900 сўм, жами 18 минг 775 сўмни, 15 дона "Наира" коньяги — умумий нархи 11 минг 275 сўмни ташкил этади, 12 қути ТУ-134 булғор сигарети — нархи 9 минг 60 сўмлик, беш қути торт, умумий вази 6 килограмм, нархи 1568 сўмни ташкил этади, каби истеъмол моллари топилган. Ўғирланган молларнинг умумий нархи 42 минг 668 сўму 34 тийинни ташкил қилди. Давлат мулк

кайга кўз олайтирган бу фуқароларнинг жиноятлари қисқа муддат ичида гувоҳлар томонидан тасдиқланилиб, ҳибсга олинди.

Айбланувчи Б.Ш. нинг хонадони тезкор гуруҳ ходимлари томонидан тинтув қилинаётганда у билан никоҳсиз яшовчи А.Бекбулатова милиция ходимларига Б.Ш.га тегишли бўлган 10,6 грамм наркотик моддани ихтиёрий равишда топширди. Кимё экспертизасининг хулосаси билан А.Бекбулатовадан олинган ашё кимё йўли билан тайёрланган наркомодда эканлиги аниқланди. Гиёҳванд

моддаларни тайёрлагани, қонунсиз равишда уйда сақлагани ва истеъмол қилгани учун фуқаро Б.Ш.га Ўзбекистон Республикаси Жиноят Мажмуаси 216-моддасининг 1-қисми билан ҳам жиноий иш кўзгатилади.

Айнан шу Бўстонлик тумани жиноят-қидирув бўлими ходимлари томонидан яна бир жиноий иш ниҳоясига етказилди. Мазкур тумanning Қошқўрғон колхозида истиқомат қилувчи фуқаролар 1961 йилда тугилган М.Р., 1968 йилда тугилган Э.А. ва 1971 йилда тугилган Г.М. кечқурун ўзаро тил

бириктириб, ушбу жамоа ҳўжалиги аъзолари бўлмиш Очиллов ва Бойматовга қарашли бўлган қорамолларни от-аравага ортиб, Чирчик бозорида пулламоқчи бўлиб турганларида, молларини топиш ниятида бозорга чиққан Очиллов ва Бойматовни кўриб қочиб кетганлар. Тезкор милиция ходимлари томонидан қўлга олинган, жиноятчилар тегишли жазоларини олдилар. Умумий нархи 17 минг сўмни ташкил этган моллар эгаларига қайтарилди.

Аттанг, бу уч ўртоқ жиноятга қўл уришдан олдин унинг ёмон оқибатларини пухта ўйламаган кўринишади.

Наврўз ЖўРАЕВ.



Мамлакат бозор иқтисодиётига ўтаётган бир пайтда бозорда аҳвол қандай кечаяпти? Айтиш мумкинки, ёмон эмас. Биргина Тошкент шаҳрида жойлашган Республика отчопарини оладиган бўлсак, бу ерда ҳар шанба ва якшанба кунлари бўладиган бозорда жамоат тартибини сақлаш учун катта кучлар жалб қилинмоқда. Чайқовчиликнинг олдини олиш учун ҳам мурасисиз кураш олиб борилмоқда.

Суратларда: Ҳамза тумани ИИБ ИЖКБ ходими, милиция лейтенанти Ҳамидулла Сираев қўлга тушган чайқовчиларнинг молларини кўздан кечирмоқда; бозор ҳаётдан лавҳалар.

А. ХАЛИЛОВ олган суратлар.

ЖИЗЗАХДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Жиззах шаҳрининг ҳаётида кейинги икки йил давомида ажойиб ўзгариш юз берди. Жиноятчилик сўнгги ўн йил ичида биринчи мартаба кескин камайди. Масалан, жиноят қидирув йўли билан рўйхатга олинган жиноятлар 1990 йил билан таққослаганда 1991 йилда 300 тадан кўпроққа камайди. Ўтган йили бундай жиноятлар салкам юзтага қисқарди. Жиноятчилик ялписига ўсиб бораётган бир вазиятда бу ҳол хайратга солмай қўймайди.

Бу ҳақда шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция подполковниги Асад Носировга айтганимда, у кулимсиради: — Фақат сизгина хайратга тушаётганингиз йўқ. Бугунги кунда бу хилдаги ўзгаришларга муносабатнинг бошқача бўлиши ҳам кийин. Янгиликларни жорий қилаётганда ўзимиз ҳам аввалига бундай салмоқли натижаларга эриша оламиз, деб ўйламаган эдик.

Ишни эски муаммоларга янги қарашдан бошладик. Куч ва воситаларни тақсимлаш ҳамда уларни бошқариш борасида илгари амал қилиб келган тартиб ҳуқуқ-тартибот бузилишларига қарши самарали кураш олиб боришга қодир эмаслиги равшан бўлиб қолади. Бўлимнинг бутун шахсий таркиби ҳар кун тақсимга йиғиларди. Тармоқ хизматлари олдига кўпинча анча мавҳум вазифалар қўйиларди.

Тармоқ хизматлари, участка ва кичик участкалардаги тезкор хизмат фаолиятини таҳлил қилиб, ишлаш тартибини жиддий равишда ўзгартириш кераклигига ишонч ҳосил қилдик. Шаҳарни

милиция участкаларига бўлди. Бунда ишни аниқлаштириш, куч ва воситаларни муайян ҳудудга жалб этиш мақсадини кўзда тутдик.

Милиция участкасининг ўзини нима? У куч ва воситаларни бошқаришни шундай ташкил этиш, бунда милициянинг катта участка вакиллари ихтиёрига жиноят-қидирувнинг тезкор таркиби, участка вакиллари, терговчилар, патруль-пост хизматининг шахсий таркиби ва бошқа ходимлар берилади. Шундай қилиб, битта участкада тахминан 20-25 милиция ходими жамланади, улар бу ердаги оператив вазият, жиноятчиликка қарши курашиш ва огоҳлантириш-олдини олиш ишнинг аҳволи учун шахсан масъул бўладилар.

Бундай тартиб 1991 йилда жорий этилди. Бу нарса ишлар аҳволига тезда ўз таъсирини кўрсатди. Милиция турли хизматлари вакиллари биргаликда янада тизимдор ҳамкорлик қилишга даъват этиб туришга ҳожат қолмади. Бу масала энди назарий бўлиб қолмай, балки амалий тус олди. Ишни янада пухтароқ мувофиқлаштириш натижасида муаммолар ҳал этила бормоқда, бунинг устига шахсий таркиб зиммасидаги вазифалар ҳам кўпайди — янгица ендашиш ички ишлар бўлими раҳбариятига ниҳоят куч ва воситалар

резервига эга бўлиш имконини берди, энди ундан жиддий криминоген вазият юзага келган жойларда фойдаланилмоқда. Участкаларга бирктирилган шахсий таркиб вазиятдан ипидан-иғнасиғача хабардор бўла бошлади, бу эса жиноятларни ўз вақтида очиб ташлашгагина эмас, балки анчагина даражада уларнинг олдини олишга ҳам имкон бермоқда.

Бугунги кунда икки милиция участкаси базасида 3/1 ва 3/2-кичик туманларида милиция бўлинмалари, еки бошқача айтганда, ШМБлар ташкил этилди. Ортиқча катта харажатлар талаб қилинмади. Ҳар бир бўлинмада ишлайдиган кишиларнинг миқдори аввалгича қолди. Тўғри, навбатчи ходимлар, зарур техника, автомашина, 3-4 тадан жиноят-қидирув ходими бор. ШМБ қошида паспорт хизмати, вояга етмаганлар ишлари бўйича инспекция ҳам ишламоқда. ШМБ шахсий таркибига, табиийки, тегишли ҳудудга хизмат қилувчи участка вакиллари ҳам қиради.

Шаҳар ИИБ бошлиғига вилоят марказидаги вазиятнинг ўзгаришига қараб ўз буйруғи билан шахсий таркибни бўлинма ва участкаларга қайта тақсимлаш ҳуқуқи берилган. Шу нарса характерлики, шаҳарда патруль-пост хизмати милиционерлари кам бўлгани учун улар ШМБларга бирктирилмаган. Бу

ҳам у еки бу туманда вазият мураккаблашган тақдирда маневр қилишни осонлаштиради.

ШМБ ва милиция участкаларининг маҳалла кўмиталари фаоллари билан ўзаро тигиз ҳамкорлиги йўлга қўйилди, бу ҳам ҳуқуқ-тартибот бузилишларнинг олдини олиш иш-ни кучайтиришга ижобий таъсир кўрсатди.

Айни вақтда бўлим раҳбариятининг қарори билан қароқчиларча босқинлар, ўғирликлар, талон-торожлар, автомашина олиб қочишларнинг олдини олиш учун тунги патруль-пост гуруҳлари ташкил этилди. Уларнинг ҳар бири автомобиль билан таъминланган, гуруҳга ДАНнинг бир ходими ва икки нафар патруль-пост милиционери қиради. Бундай гуруҳлар кеч тушгандан тонг отгунча ишлайди. Бу эса тунги вақтда амалга ошириладиган ўғирликлар ва бошқа жиноятларнинг миқдорини анча камайитириш имконини берди. Патруль-пост гуруҳлари ўғирлар, талончиларни жиноят устида ушлаган ҳоллар оз эмас. Машина олиб қочувчиларга қарши кураш анча самаралироқ олиб борила бошланди, энди милиция ходимлари уларни қувиш чоғида қуролдан фойдаланилмоқдалар, бунда таъкиб қилинаётган автомобилларнинг баллонларини нишонга олмоқдалар.

Жиноятчи гуруҳлар ва

уларнинг алоқаларини аниқлаш ҳамда нейтраллаштириш бўйича олиб борилаётган катта иш тезкор вазиятни яхшилашга сезиларли таъсир кўрсатди. 1991 йилда 57 та, 1992 йилда 78 та, йилнинг биринчи кварталда 20 дан ортиқ ана шундай жиноятчи гуруҳлар фож этилди.

Бу чораларнинг ҳаммаси шаҳардаги вазиятни назорат қилиш имконини берди.

— Албатта, муайян кадрларнинг иш ўрнини алмаштиришга, қўл учида ишлайдиганлардан воз кенишга ҳам тўғри келди, — деди А.Носиров. — Бу ҳам иш аҳволига ижобий таъсир қилди, интизомни мустаҳкамлаш имконини берди. Шунинг айтиши кифоя қиладики, биз йиғирма беш ходимнинг саъй-ҳаракатлари билан 30 минг ва ундан ортиқ киши яшайдиган тураржой мавзеларида ҳуқуқ-тартиботни анча пухта муҳофаза қилишимиз. Агар илгарилари хонадон ўғирликларининг учдан биридан камий очилган бўлса, ҳозир уларнинг 70 фоизи очилмоқда.

Бу сўзларга қўшимча қилишга эҳтиёж бўлмаса керак. Ўтган йили Жиззахда оғир жиноятлар миқдори деярли чорак баробар, шу жумладан, танга оғир шикаст етказишлар ярим баробардан кўпроқ, зўрлашлар — тўртдан уч баробар камайди. Хонадон ўғирликлари, машина олиб қочишлар учдан бир баробар камайди, безориликлар, товламачилик қилишлар, кишилар ҳалок бўлувчи йўл-транспорт ҳодисалари миқдори пасайди.

В.НАЗАРОВ.

меҳмонда. "Чевар Мария". Бадий фильм. 9.50 "Саёхатчилар клуби" (сурдо таржимаси билан). 10.50 "Матбуот-экспресс. 11.00 Янгиликлар. 11.20 "Е. Мравинский дирижерлик қилади.

Театр шинавандалари, Сизлар учун! 11.55 Ж. Килти. "Ёқимтой елгончи". М. Горький номли Москва бадий академик театрининг фильм-спектакли.

14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.25 "Бридж". 14.50 "Бизнес-класс". 15.05 "Ён дафтар". 15.10 "Майя арисси". Кўп сериали мультфильм. 15.40 Бутунжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунига. Кинокўрсатув. 16.10 "Бизнинг мусиқий клуб": 16.50 "Технодром". 17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 17.20 Давлатлараро "Останкино" телеканали "МДХ учун умумий бозор" кўрсатувини таништиради. 17.45 "Инсон ва қонун". 18.15 "03-вагон". 18.45 "Муъжизалар майдони". 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Ёшлар. 20.00 Янгиликлар. 20.25 "Хафтанинг машҳур киши". 20.40 "Детективлар клуби"да. Телекранда биринчи марта. "Кинода ўлим". Бадий фильм ("Мосфильм", "Слово" студияси, Одесса киностудияси). 22.00 "Ҳеч нарса ҳақида репортаж".

"ВИД" таништиради: 22.15 "Сиесий бюро". 22.50 "Музобоз". 00.05 "Авто-шоу". 00.20 "Обоз" майдончаси. "На-на" гуруҳи. Танаффус пайтида (23.00) — янгиликлар.

01.20 "Матбуот-экспресс". "ДУБЛЬ IV" РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

7.25 Ишбилармон кишилар даври. 7.55 "Бўйсунмас купина". 8.25 "Джентльмен-шоу". 8.55 "Ҳайвонот оламида". 9.55 "К-2" таништиради. 10.50 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп сериали бадий телефильм. 17.5-серия. 11.40 "Ишдан бўш пайтингида". 11.55 Н. Джигурда куйлайди. 12.40 "Дехқонларга тааллуқли масала". 13.05 "Ишица". 13.35 Мульти-пульти. 13.45 Хужжатли фильм. 14.05 "Рост" студияси. "Кимнинг томони". 14.35 Янгиликлар. 14.50 "Клип хиебони". 15.05 "Телебуржа". 15.35 "Трансросэфир". 16.05 Жума кунлари Дисней. "Ер сайёрасига юборилган". Бадий фильм. 13-серия.

17.00—19.30 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ 19.30 Александр Дольский куйлайди. 19.55 "Задорнов қўшув "Плюс". 20.45 Катталар учун мультфильм.

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.30 Спорт кўрсатуви. 21.35 Телекранда — премьер. "Отинг ўлим". Бадий фильм. "Фредерин Форсайт таништиради" телесериалидан (Овросне ТВ). 23.20 "Ролан Гаррос". Теннис турнири. 23.50 "Эс-Эн-Си" тунги клуби.

ШАНБА 5 ИЮНЬ

7.00 "Ассалому алайкум". 8.00 "Робинзон Крузонинг ҳаёти ва ажойиб саргузаштлари". Бадий фильм. 9.25 "Алифбо сабоқлари". 9.55 "Тадбиркор". 10.35 "Ёшлик" студияси. "Минг маржондан бир маржон". 11.25 "Мушоира". Адабий кўрсатув. 11.25 Дониер Тошмухамедов куйлайди. 12.30 "Меҳр". 13.00 "Қалдирғоч". Қисқа метражли. телевизион бадий фильм. 13.40 "Сенинг замондошинг"

17.50 Кўрсатувлар тартиби. 17.55 "Кичкинтой" студияси. "Томоша". 18.25 "Ёшлик" студияси. "Сирли остона". 18.50 Бутунжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунига. "Оламни асранг". Бевосита мулоқот. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 "Нурли Тошкент оқшомлари". Телефильм. 20.00 Республика газеталарининг шарҳи. 20.10 "Оқшом

эртақлари". 20.25 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси дуторчи қизлар ансамблининг концерти. 21.00 "Туркистон" ахбороти. 21.30 "Ўзбекистоннинг йўли битта — олга юриш!". 2-қисм. 22.20 "Ака-ука совчилар". Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий драма театрининг спектакли. 24.00 "Тунги егду". Дам олиш программаси.

ЎЗТВ II 17.00 АШГАБАТ КЎРСАТАДИ. "ОРБИТА IV"

5.45, 14.20, 20.20 — Кўрсатувлар тартиби. 5.50 Эрталабки гимнастика. 6.00 "Матбуот-экспресс". 6.10 Ишбилармон кишининг шанба тонги. 6.55 Янгиликлар. 7.30 "Спорт-имконият". 8.00 "Марафон-15" таништиради. 8.25 "Экстр-НУЖ". 8.55 Шанба кунги дастхат. 9.25 Экологик шарҳ. 9.40 Тиббиёт ҳамма учун. 10.20 Г.Улетова куйлайди. 11.05 "Соло". 11.35 "Ҳарбий ревью". 12.05 "Қора кўркам от саргузаштлари". Болалар учун кўп сериали телефильм премьераси. 12.30 "Марафон-15". 13.20 "Муз устида Россия балети". 14.00 Янгиликлар. 14.25 "Мулқдор алифбоси". 14.35 Теннис. Франциянинг очик чемпионати. 15.35 "Марказий экспресс". Европа тележурнали. 16.05 "Шаҳзода ва сув париси". Кўп сериали мультфильм премьераси. 16.50 "Қизил квадрат". 17.30 "Ҳайвонот оламида". 18.10 "Обана-Угол-шоу". 18.40 "Коламбия пикчерс" таништиради. "Помпейнинг сўнгги кунлари". Етти сериали телевизион бадий фильм премьераси. 6-серия. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Ёшлар. 20.00 Янгиликлар. 20.25 "Коламбия пикчерс" таништиради. "Помпейнинг сўнгги кунлари". Етти сериали телевизион бадий фильм премьераси. 7-серия. 21.10 Шоир ҳақида романс. Н.Караченцов бенефис. 22.05 "Резонанс" студияси таништиради. 22.30 "Матбуот-экспресс". 22.40 "Мусиқий жилолар". 23.00 Янгиликлар. 23.35 Футбол. Россия чемпиони. "Динамо" (Москва) — "Ротор" (Волгоград). "Динамо" Марказий стадионидан кўрсатилади.

"ДУБЛЬ IV" РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ 7.25 "Оламга ўз нигоҳи билан қараш". 7.55 "730-формула". 8.25 "Рост" студияси. Бизнинг "Аралаш". 8.55 "Хали англамаган кинот". 9.25 "Бурда модев" тавсия этади... 9.55 "Грибоедовнинг Чаадаев хузурига ташриф". 10.10 Кундузги сеанс. "Таровга олинган".

11.45 — 15.30 "ЎЗБЕКИСТОН" ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ 11.45 "Дунё воқеалари". 11.55 "Рангинкамон" (тожик тилида). 12.40 "Безнен мирас" (татар тилида). 13.25 Дўстлик тароналари. 14.05 "Чисен" (корейс тилида). 14.45 "Фан муъжизалари". 15.15 "Бу сирли олам".

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ 15.30 "Ретро-шлягер". 16.00 "Мутлақо махфий".

17.00 — 19.35 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ 19.35 "К-2" таништиради: "Америка юлдузлари". 20.05 "Мусика йирик планда". Пианиночи Владимир Селивохин. 20.50 Спорт кўрсатуви.

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.25 Телекранда — премьер. "Ўлиш кўрkinчи эмас". Бадий фильм. 23.00 Хоккей. Стэнли кубоги. Финал.

ЯҚШАНБА 6 ИЮНЬ

7.00 Турсунбой Паршев куйлайди. 7.40 "Ўлмас мерос". Телефильм.

8.00 "Туркистон" ахбороти. 8.30 "Махобхорат". Кўп қисмли телевизион бадий видеофильм (Ҳиндистон). 18-19-сериялар. 10.00 "Аҳвол қандай, чемпион?". Оғир атлетикачи Эркин Каримов ҳақида телеочерк. 10.20 "Мактаб ва ҳаёт". 11.00 "Халқ ижодиёти". Шомурод баҳши Тоғай

ўғли. 11.50 "Ватанпарвар". Жумхурият ёшларини ҳарбий хизматга қақирув масалаларига бағишланади. Бевосита мулоқот. 12.40 Инглиз тили. 13.10 "Мулоҳаза". Яна муҳаббат ҳақида.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Кичкинтой" студияси. "Ширинтой". 18.30 Футбол майдонларида. 19.00 "Мутахассислик ва жаҳон тиллари". 19.30 "Хафтанома" (рус тилида). 20.00 "Ойнаи жаҳонда...". 20.25 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Султонпошша Ўдаева куйлайди. 21.00 "Хафтанома". 21.40 Бир асар тарихи. Чўлпон. "Кеча ва кундуз". Видеофильм премьераси олдидан. 22.20 "Мис фаришта". Бадий фильм. 23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II 7.00 — 12.00

17.00 — 23.30 АШГАБАТ КЎРСАТАДИ "ОРБИТА IV"

5.50, 7.30, 23.15 — Кўрсатувлар тартиби. 5.55 "Рухни чинқитириш". 6.55 Янгиликлар. 7.35 Эрталабки гимнастика. 7.45 "Авто-шоу". 8.00 "Технодром". 8.10 "Марказ". 8.40 "Эрта саҳарлаб". "Денвер — динозаврларнинг энг сўнггиси". Кўп сериали мультфильм премьераси. 9.10 "Ҳамма уйдалигида". 9.40 "Спортлото" тиражи. 9.55 "Тонг юлдузи". 10.45 Киноҳақиқатми? "Валерий Чкалов". Бадий фильм ("Ленфильм", 1941 й).

"КТВ-1" ҳамда "Франс интернационал" канали таништиради: 13.00 "Ниф ва Геркулес". Кўп сериали мультфильм премьераси. 13.10 "Кусто командасининг сувости одиссеяси". Кўп сериали хужжатли фильм премьераси.

14.00 Янгиликлар. 14.15 Мультфильм. 14.30 "Саёхатчилар клуби". 15.20 "Хунарли хор бўлмайдми". 15.30 Мультфильмлар премьераси: "Каспер ва унинг дўстлари", "Ҳақиқий ажина овловчилар". 16.20 Эфирда бевосита мулоқот. 17.00 "Панорама". Хафталик халқро кўрсатув. 17.45 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 18.00 "Нима? Қаерда? Қачон?". 19.00 "Матадор". Канн 46-халқаро кинофестивали.

21.00 "Яқунлар". 21.45 "Тарк этма, севги...". В. Толкунованинг ижодий кечаси. 22.40 "Подморье мамлақати". Телефильм. 23.00 Янгиликлар. 23.20 "Рок-н ролл TV".

"ДУБЛЬ IV" РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ 7.25 "Ҳақат сиз учун". 7.55 "Ҳақат сиз учун". 8.20 "Рост" студияси. 8.50 "Фольклор". 9.20 "03" кўрсатуви. 9.50 "Ати-бати...".

10.20 — 13.55 "ЎЗБЕКИСТОН" ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ 10.20 "Дунё воқеалари". 10.30 "Истеъдод". М. Ашрафий номли Тошкент Давлат консерваторияси битирувчилари билан учрашув. 11.35 "Замандас" (қозок тилида). 12.20 "Цирк! Цирк! Цирк!". 13.05 "Кудратимиз — дўстликда" (Қорақалпоқ тилида). 13.40 "Бу сирли олам".

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ 13.55 Диснейнинг сеҳрли олами. "Винни-Пухнинг янги саргузаштлари". "Қора Пылаш". 14.45 "Бир санъаткор театри". В. Э. Борисов-Мусатов. 15.05 Миллий баскетбол уюшмасининг энг яхши ўйинлари. 16.05 Театр сафари. А. Н. Островский. "Қайноқ қалб". Малий театр спектаклида. 16.50 Спорт кўрсатуви.

17.00—19.15 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ 19.15 Си-Би-Эс кинотеатри. "Ҳаммасини ташлаган ота". Бадий фильм.

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.30 "А" программаси.

("Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз"дан олинди).

Этибор марказида — ўсмир Хотиржам бўлишга ўрин йўқ

Самарқанд шаҳар ИИБ маълумотларига қараганда, вилоят марказида ҳозир 135 мингдан ортиқ балоғатга етмаганлар бор, уларнинг 63 мингта яқини ўқийди.

— Ўсмирлар орасида ўқимайдиган ва ишламайдиганлари ҳам оз эмас, — дейди шаҳар ички ишлар бошқармасининг балоғатга етмаганлар билан ишлаш назорияти (БЕН) бошлиғи, милиция майори Ю. Аксенов. — Айни шулар ҳуқуқ-тартиботни асосий бузувчилардир. Агар балоғатга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ҳолатининг умумий тамойилига қарайдиган бўлсак, шуни таъкидлаш мумкинки, 1991 йилда жинойи хатти-ҳаракатлар бундан аввалги даврга қараганда анча ўсган, 1992 йилда вазият барқарор тус олди, шу йилнинг бошланишидан бери эса ўсмирлар орасида ҳуқуқ-тартиботни бузиш фактлари анча камайди. Шу йилнинг биринчи чорагида, ўтган йилнинг шу пайти билан таққослаганда, ялли жиноятчилик 21 фоиз, жиноят қидирув бўйича — 24 фоиз, балоғатга етмаганлар ўртасида — 21 фоиз камайган. Яъни, ижобий натижа яққол кўзга ташланади. Бироқ хотиржам бўлишга ҳождат йўқ, зеро ҳал қилинмаган муаммолар жуда кўп.

Шу йил бошларида ўсмирлар томонидан 21 жиноят содир қилинди. Уларнинг ярмидан кўпи — фуқароларнинг шахсий мол-мулкни ўғирлашдир. Ҳозирги вақтда балоғатга етмаганлардан шартли ҳукм қилинган 2 киши ва суд чиқарган ҳукми ижро этиш кечиктирилган 42 киши ҳисобимизда турибди. Сўнгги ойлarning ўзидагина ҳисобга қўйиш учун наркологик диспансерга кичик ешпади 6 заҳарванд (токсикоман), спиртли ичимликларни суйистеъмол қилган 26 ўсмир келтирилди.

Балоғатга етмаганларни ишга жойлаштиришни ҳал қилиш мушкул бўлиб қолаётган энг оғир масалалардан биридир. Шаҳардаги саноат корхоналарининг кўпчилигида ҳозир ишлаб чиқариш, бинобарин иш жойлари ҳам қисқартирилмоқда. Касб-кори, касбий кўникмалари бўлмаган ўсмирлар учун ўзларига ёқадиган иш топиш мураккабдир. Яқинда назоратчиларимиз балоғатга етмаганлар билан ишлаш комиссияларнинг қарори асосида йўлланма берилаётган ешларнинг ишга қабул қилиниши масаласида иккита корхона — Тажриба-механика заводи ва "Востокклифт" заводини текширидик. Маълум бўлишича, бир йилдан ошибдики, уларнинг бирортаси ҳам ишга қабул қилинмаган. Кўрсатилаётган ваз ҳам умуман олганда жўяли — ўз кадрларимизни қисқартиришга мажбур бўлмоқдамиз, "болалар богчаси" билан ишлашга иложимиз йўқ. Бунга нима дейиш мумкин?

Маблаг етишмаганлиги туфайли истиқоматгоҳлардаги ташкилотчи педагогларнинг иши ҳам тўхтаб қолмоқда. Бунда ҳам кўп нарса маҳаллий ҳокимият идораларига боглик. Агар, айтгайлик, Богишамол туманида штатда тажрибали ташкилотчи педагог бўлган ўсмирлар клубини барпо этиш учун имконият топган бўлишса, Темир йўл ва Сиеб туманларида эса ўз фаолиятини ўсмирлар яшайдиган жойларда амалга оширадиган бундай тоифадаги тарбиячилар ўзини оқламайди деб ҳисобланади. Натижада ўсмирлар ана шундай (оз даражада бўлса-да) вазийлик ва этибордан ҳам маҳрум бўлиб қолмоқдалар, бутунлай ўз хошларига ташлаб қўйишди. Ахир, 18 йилдан бери ташкилотчи педагог бўлиб ишлаётган Ж. Набиева (8-уй-жойлардан фойдаланиш бирлашмаси) каби фидокорлар кўп иш қилиши мумкин. Вугунги кун учун жуда оз

бўлиб қолган миқдорда маош олишларига қарамай, улар ўз ишларини давом эттирмоқдалар.

— Ҳақиқатан ҳам ишларимизда яхши томонга бурилишлар йўқ эмас, — суҳбатни давом эттиради БЕН катта назоратчиси Н. Алексеева, — иқтисодий қийинчиликлар пайдо бўлаётганига қарамай, ҳаётга энди-гина қадам қўяётган еш авлодга кўмак бериш учун интилаётган ва бунинг иложини топаётган корхоналар оз эмас. Бизнинг илтимосимизга кўра "Қизил двигатель" заводи, Кимё комбинати, "8 март" тикувчилик бирлашмаси, нон заводи тарбияси қийин ўсмирлар учун езги соғломлаштириш лагерига йўлланмалар ажратмоқда. Бу корхоналарнинг раҳбарлари ва жамоалари ҳамма ишда: ўсмирлар клуби хоналарини таъмирлаш, янги йил совғалари учун маблаг ажратиш ва бошқа эҳтиёжларни қондиришда қўлларидан келган барча ишни қилиш учун доимо тайёрлар.

Маҳалла кўмиталарининг фаолиги анча ошди, улар орасида Мақсуд Шайхзода, Гафур Гулом номли маҳаллаларни алоҳида таъкидламоқчиман. Тилга олинган маҳалла кўмиталарининг раислари, фаоллари БЕН ҳудудий назоратчилари билан ўзаро яқиндан ҳамкорлик қилмоқдалар, бу ерда яшайётган ўсмирлар қадрдон маҳалласида юз бераётган барча нарсалар учун масъулият ҳиссини сезиши, катталарни ҳурмат қилиши учун бутун кучларини сарфламоқдалар. Ўз фарзандларининг тарбиясига етарлича куч-ҳаракат сарфламаётган, вақтини қизганган ота-оналардан юз-хотир қилмай қатъият билан сўрайди. Маҳалла аҳлининг йиғилишларида эҳтиросларга берилмай, принципиал сўз юритилади, бунинг натижалари яққол кўринмоқда — балоғатга етмаганлар томонидан ҳуқуқ-тартиботни бузиш ҳоллари бу ерда шаҳардаги ўртача даражадан анча камдир.

Ўрта умумий таълим мактабларида жамоатчилик кеңашларини ҳам ташкил қилмоқдамиз, уларга педагоглар, ота-оналар кўмиталарининг аъзолари, туман халқ маорифи бўлими ходимлари, соғлиқни сақлаш, прокуратура ходимлари, БЕН назоратчилари қирадилар. Уларнинг вазифаси битта — жинойи муҳит таъсиридан сақлаб қолиш мумкин бўлган ўсмирларни аниқлаш, профилактика ишнини имкони борича эртароқ олиб бориш. 28-мактабда ана шундай кеңаш собитқадамлик билан ишлямоқда. Шу нарса жуда муҳимки, унинг мажлисларида келаётган материалларнинг муҳокама қилиниши уларни ҳозирги босқичдаёқ муфассал ва ҳар томонлама ўрганиш имконини бермоқда. Бу ҳолда балоғатга етмаганлар билан ишлаш комиссияси анча объектив ва ишончли ахборот олади, бу эса чуқур ўйланган, ишнинг фойдасига хизмат қиладиган қарорлар қабул қилишда ердан беради.

Мухтасар суҳбатда, албатта, Самарқанд шаҳар ИИБ балоғатга етмаганлар билан ишлаш назориятининг ходимлари у еки бу даражада ҳал қилишларига тўғри келаётган барча муаммоларни еритиб бўлмайдми. Катталари жиҳатдан республикада иккинчи ўринда турувчи шаҳарда бу ходимлар олтмиш нафардан ортиқ, бугунги ўсмирларнинг келажаги кўп жиҳатдан уларга, уларнинг етуқлиги ва тарбиядаги ўз ролларини тушунишларига боглик.

А. СТЕПАНОВ.

«Ярим соатлик» томоша

Мироқи Шаҳрисабзнинг сўлим гўшаларидан бири. Санъатни қадрлайдиган нозиктаб халқи бор. Шунинг учун ҳам «Тошкентдан санъаткорлар келишибди», деган хабарни эшитиб, ҳамма марказий клубга оқиб кела бошлади. Дилрабо куй-қўшиқлар рақсга, рақслар ичакузди хангомаларга улаиб кетди. Бундай вақтда вақтнинг қандай ўтганини ҳам билмай қолсан киши.

«Ярим соат томоша кўрсатиб, бизни алдашдими дейман». «Қўйсанг-чи, дугона, роппа-роса икки ярим соат давом этибди». Қулоққа чалинган бу гаплар санъаткорларга қаратилган миннатдорчилик сўзларининг ўзи эмасми?

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ички қўшинлар бошқармаси ҳузурда ташкил этилган ашула ва рақс дастаси бир неча кун Шаҳрисабзда бўлиб, маҳаллий аҳоли қалбига ана шундай

хурсандчилик уруғларини сеиб кетди. Шунингдек, даста Шаҳрисабз шаҳар ички ишлар бўлимида ҳам бўлиб, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларига мароқли концерт дастурларини намойиш этишди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, доира санъатининг моҳир устаси Хусанжон Носиров, республика ёшлар уюшмасининг совриндори, лирик хонанда Исмоилжон Гуломов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Замира Суюнова, қизиқчи Обид Асмолов ва дастаннинг барча аъзоларини шаҳрисабзликлар ҳали анчагина эслаб юришса ажаб эмас.

Шаҳар ички ишлар бўлими раҳбарияти, унинг шахсий таркиби сеvimли газетамиз орқали ушбу дастаннинг барча санъаткорларига ўз миннатдорчиликларини билдирадilar.

З. ИШОНҚУЛОВ,
милиция майори.

ХАЛҚ ФИКРИ — БАҲО МЕЗОНИ

Кейинги пайтда халқ орасидаги фикрларни хулосалайдиган бўлсак, ички ишлар ходимлари ҳақида яхши, ижобий кайфият уйғонаётганининг гувоҳи бўламиз. Буни одамлардан, раҳбарият ва матбуот марказларига келаётган хатлар мазмунидан ҳам билсак бўлади. Биргина Тошкент шаҳрининг ўзида уюшган жиноятчиларга қарши олиб борилаётган кураш ва унинг натижалари ҳақида қанча илиқ гаплар эшитиш мумкин.

Милиция ходимларининг бу борадаги ишларидан халқимиз фақат миннатдор эканликларини изҳор этмоқдалар.

Яқинда биз вилоят ҳокимлиги тошпирини билан Бекобод шаҳри ва туманида бўлганимизда у ерда аҳолининг миннатдорчилик сўзларини жуда кўп эшитдик. Шаҳарнинг Гидромет қўрғонидан ўтган йили содир этилган одам ўлдириш ва босқинчилик билан боғлиқ бўлган жиноят шаҳар аҳолиси ўртасида жуда кўп шов-шувларга сабаб бўлди. Жиноятнинг тедада очилмаётганидан милиция ходимлари билан бирга халқ ҳам қаттиқ ҳаяжонга тушиб қолганди. Аммо бу жиноят катта изланиш ва қийинчиликлардан сўнг очилди. Биз бу жараёни видеотасвирга олаётганимизда еши 70 лардан ошиб қолган отахон келиб: «Раҳмат ўғилларим, биз энди бу жиноят очилмайди деб ўйлаган эдик. Сизларнинг ҳеч бир жиноятни ташлаб қўймадикларингизга энди ишондик», — деди.

Худди шунингдек, шаҳардаги Ўзбекистон металлургия заводида бўлган учрашув биз учун янада мароқли бўлди. Унда сўзга чиққан завод касабаси уюшмаси раиси Мирзамурот Боймуротов кўпчилик номидан шаҳардаги осойишталик, айниқса савдо шохобчаларидаги, тижорат дўконларидаги тартиб учун шаҳар милициясига раҳмат айтганда, барчамиз қувондик.

Бундай фикрларни мажлис тугагач, бизга баъзи кишилар ҳам келиб айтишди. Худди шунингдек улар еқилги қўйиш ш о х о б ч а л а р и д а г и тартибсизликларни назорат қилиш ва уларда тартиб ўрнатиш кераклигини талаб қилдилар. Булар ҳаққоний талаблар эди.

Милиция ҳақида жамоат фикрини билиш мақсадида Бекобод туманида бўлганимизда қувончимизга янада қувонч қўшилди.

Сўхбатдошим, туман прокурори Хусниддин Зайниддинов милиция ходимларининг ҳозирги олиб бораётган ишларидан хурсандлигини гапириб, яқинда бўлиб ўтган туман Кенгаши сессиясидаги айтилган бир гапни эслатди. Прокурорнинг гапига қараганда, сессияда сўзга чиққан «Далварзин» давлат хўжалиги

бригада бошлиги, туман Кенгаши ноибки Жамила Маматкулова туман ички ишлар ходимларининг жиноятчиликка қарши олиб бораётган ишларидан қишлоқ аҳлининг мамнун эканлигини кўпчиликка гапириб берибди. Айниқса у уюшган жиноятчилар ва турли ўғирликлар ўз вақтида очиб ташланаётганлиги хусусида яхши фикрларни айтибди.

Тумандаги Улугбек номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Усмонжон Исабоев биз билан сўхбатда: «Туманда жиноятчиликнинг камайиб кетиши ҳеч қачон бундай бўлмаганди. Айниқса содир этилган жиноятларнинг тезлик билан очилиши халқимизни мамнун қилмоқда», — деган фикрни билдиради. Шу хўжаликнинг Назирбой қишлоғи имоми, меҳнат фахрийси Ортиқбой ота Бўрибоев эса қишлоқда кейинги пайтда ўғирлик умуман йўқолиб бораётганлигини айтди.

У киши бу ишда айниқса участка вакили Жумабой Усмоновнинг хизмати катта эканлиги, унинг кечаю кундуз халқ билан эканлиги, ҳар қандай ишни тезлик билан ҳал этиши ҳақида гапириб берди.

Туман осойишталик посбонлари ҳақида билдирилган ҳар бир миннатдорчилик олам-олам ташвиш, ҳис-ҳаяжон, хавф-хатар, меҳнат натижасида юзага келаётганлигини сезиш қийин эмасди.

Ҳақиқатан ҳам кейинги пайтда туманда давлат ва шахсий мулкни ўғирлаш, босқинчилик, фарибгарлик, тан жароҳати етказиш, номусига тегиш ва ўлим билан боғлиқ жиноятлар камайиб бормоқда.

Ўтган йили 21 та уюшган жиноятчилик фош этилиб, 60 нафар киши жиноий жавобгарликка тортилган бўлса, бу йилнинг биринчи чорагида еттига уюшган жиноий гуруҳ қўлга олинди ва 21 киши устидан жиноий иш қўзғатилди.

Туманда мунтазам равишда ўтказилаётган «Дарвоза» тадбири жуда катта натижалар бермоқда. Кўпгина жиноятларнинг шу тадбир туфайли олди олинмоқда.

Вилоятда осойишталик посбонлари олиб бораётган ишлардан бу каби мамнунлиқни, ўйлаймизки, бошқа шаҳар ва туманларда ҳам кузатишимиз мумкин.

Ютуқларимиз кўп, аммо камчиликларимиз ҳам кам эмас. Умуман, бизнинг ишимизга ҳолис баҳо берувчи — халқдир. Унинг фикри биз учун асосий баҳо мезони.

Х. ОЛЛОНАЗАРОВ,
Тошкент вилояти ИИБ
ходими, милиция майори.

«Одамларни овора қилманг». Биз аввал ҳам мана шу сарлавҳа остида газета орқали фуқаролардан келаётган шикоят-аризаларни таҳлил қилган эдик. Бугун шу мавзунга яна давом эттирмақчимиз.

Агар ҳар ким ўз ишини, вазифасини сидқидилдан бажарса, бурчини кам-кўстсиз адо этса ҳеч қандай гап-сўзга, норозиликларга ўрин қолмаган бўларди. Ҳеч ким вақтини сарфлаб, хат ва шикоят-аризалар ёзмаган бўларди. Лекин, афсуски, турли идораларга фуқаролардан ҳамон шикоятлар келишда давом этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Давлат автомобиль нazorати Бошқармасига келган бир даста шикоятларга назар ташлайлик. Уларнинг аксариятида ДАН ходимларининг ишидан норозилик билдирилади. Бу шикоятлар пухта текширилган, айбдорлар тегишли жазоларини олганлар. Шуни ҳисобга олиб, газета орқали чиқиш қилмасак ҳам бўларди. Аммо, зора бу бошқаларга ўрнак бўлса, деган фикрда қўлга қалам олдик.

«Мен 1992 йилнинг 18 январида давлат хизмати бўйича Тошкент шаҳрига бордим, — деб ёзади Гагарин шаҳрининг Комсомол кўчасида истиқомат қилувчи Ҳасан Бозорбоев. — Оқшом соат 17 ларда С.Раҳимов туманига етиб келганимда орқамдан Москвич-412 русумли автомашинада икки милиция ходими қувиб келиб тўхтатишди ва маъмурий баённома тузиб, ҳужжатларимни олиб қўйишди. Ҳ а й д о в ч и л и к

гувоҳномамни яшаш жойимдан олишимни айтишиб, менга в а қ т и н ч а л и к гувоҳнома ёзиб беришди. Лекин шу пайтгача менинг ҳужжатларим йўқ. Ўзим яшайдиган туман ва Жиззах вилояти ДАН бўлимларига бир-неча мартадан қатнадим, аммо ҳ у ж ж а т л а р и м топилмади. Ёрдам кўрсатишингизни сўрайман».

Ушбу шикоят юзасидан ўтказилган текширувда шу нарса маълум бўлдики, дарҳақиқат ҳайдовчи Ҳ.Бозорбоевни 1992 йил 18 январь кун С.Раҳимов тумани ҳудудида Тошкент шаҳар ДАНБ йўл-патруль хизмати полки 4-ротасининг инспектори, милиция кичик сержанти А.Ўсаров тўхтатган ва унга нисбатан ТН 014049 рақамли баённома тузиб, ҳайдовчилик гувоҳномасини олиб қўйган. Сўхбат жараёнида инспектор А.Ўсаров ушбу баённомани қарга қўйганини ёки кимга берганини аниқ айтиб бера олмади. Тошкент шаҳар ДАНБ маъмурий амалиёт бўлимида ва котибиятдаги рўйхатга олиш китобларига ҳам бу ҳақда қайд этилмаганлиги аниқланди. ИПХ инспектори А.Ўсаров мавжуд қонун ва қоидаларга асосан тузилган баённомани ўз вақтида взвод командирига топшириши лозим эди. Ўз навбатида взвод командири ҳам қўл остидагиларнинг ишини мунтазам равишда назорат қилиб бориши лозим эди. Интизом бўшаштириб юборилиши анчагина оворагарчиликларга сабаб бўлди. Ҳ. Бозорбоевнинг ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқолди, Тошкент билан Жиззах ораларида сарсон-саргардон бўлди. У ёзган шикоятни текшириш учун яна анча оворагарчиликлар юзага келди. Тўғри, бу ишда хатоликларга йўл қўйганлар қонун доирасида ўз жазоларини олдилар. Ҳ. Бозорбоевга эса ҳайдовчилик гувоҳномаси имтихонсиз олиб берилди.

Шу билан бу масалага нуқта қўйилса бўларди. Аммо унинг бошқа томони ҳақида бир оз мулоҳаза қилиб кўрайликчи. Хўш, нима учун иш шу даражага бориб етди? Нима учун масъулиятли бир вазифани бажараётган взвод командири, Н. Ефимов бундай қўпол хатога йўл қўйди? Ахир бурчий вазифасига кўра баённома, жарима квитанциялари ҳисоботини олиб бориш, уларни шахсий таркибга тарқатиш ва қабул қилиб олиш бевосита унинг зиммасига юклатилганку? Нима учун у инспектор А.Ўсаровдан баённомаларни ўз вақтида талаб қилиб олмади? Агар милиция капитани Н.Ефимов ўз хизмат бурчини сидқидилдан адо этганида, қўл остидагиларига нисбатан талабчан бўлганида А.Ўсаров ҳужжатларни ёнида олиб юрмаган ва оқибатда улар йўқолмаган бўларди. Ўйлаб қолсан киши, агар Н. Ефимов ёки А.Ўсаров ўзларини Ҳ. Бозорбоевга ўхшаб сарсон-саргардон бўлиб юрган фуқаролар ўрнига қўйиб кўрганларида эди, иш бу даражага бориб етмаган

Хатларингизни ўқиб

Сарсон-саргардонликда

бўларди.

Шу ўрнида бир нарсани таъкидлаш керакки, ДАН Бошқармасига келаётган хатларнинг ҳаммаси ҳам шикоят эмас. Улар орасида ўз хизмат бурчини ҳалол бажараётган ДАН ходимларига нисбатан миннатдорчилик сўзлари ёзилган мактублар ҳам талайгина.

«Биз Жиззах вилоятининг Зомин туманида яшаймиз, — деб ёзишибди фуқаролар С.Каримов ва С.Эргашевлар. — Яқинда бир иш билан Жиззах ДАН бўлимига борган эдик, у ерда милиция катта лейтенанти Зоир Шарипов билан учрашиб қолдик. Унинг хўшмуомалалиги бизда катта таассурот қолдирди. У киши Жиззах вилояти ДАН бўлимнинг имтихон олиш ва қайд этиш бўлимиси бошлиғи вазифасида ишлаб, жуда кўплаб кишиларнинг ҳожатини чиқарапти. ДАН соҳасида шундай одамлар меҳнат қилаётганидан беҳад шодланасан киши».

Дарҳақиқат, сафимизда шундай кишилар ишлаётганлиги қувонарлидир. Лекин «гуруч курмакисиз бўлмаганидек», ДАН ходимлари орасида ҳам юқорида айтиб ўтганимиз каби кишиларни сарсон-саргардон қилаётган, ўз вазифасини ҳалол бажармаётган, одамларга нисбатан ҳурматсизлик билан иш юритаётган ходимлар ҳам учраб туради.

Шу йилнинг январь ойида Самарқанд вилояти,

Т о й л о қ тумани, «Давлатобод» ж а м о а хўжалигида истиқомат қилувчи Ф у қ а р о Абдунаби Самадовдан шикоят-ариза келди. Ушбу а р и з а н и текшириш давомида қуйидагилар аниқланди. 1992 йилнинг 21 декабрь куни эрталаб

соат 11 ларда ҳайдовчи А.Самадов Шредер номли илмий-текшириш илмгоҳининг сотувчиси билан биргаликда шу илмгоҳ иссиқхонасида етиштирилган маҳсулотларни бозорга олиб боришади. Соат 17 ларда улар бозордан қайтаётганларида Шоҳи Зинда мақбараси яқинида оқ рангдаги «ВАЗ-2106» русумли автомобиль уларни қувиб ўтади ва мақбара қаршисидаги деворга бориб урилади. Ҳайдовчи А. Самадов тўхтади, лекин ҳеч ким ундан ёрдам сўрамаганлиги ҳамда аварияга алоқаси йўқлиги боис яна йўлида давом этади. Шу кун кеч соат 19 ларда А.Самадовнинг уйига Самарқанд шаҳар ИИБ ДАН бўлими ИПХ инспектори, милиция старшинаси Ш. Қодиров учта милиция ходими билан келиб уни олиб кетишади. А. Самадовга у бошқараётган машина билан ВАЗ-2106 русумли, давлат рақами З 52-53 СН бўлган автомобиль ўртасида тўқнашув юз берган дейишади. Инспектор Ш. Қодиров амалдаги қонун-қоидаларни қўпол равишда бузган ҳолда, яъни тўқнашув бўйича тегишли ҳужжатларни расмийлаштирмадан туриб, ҳеч қандай асосиз А.Самадовнинг ҳайдовчилик гувоҳномасини олиб қўяди ва уни 25 кун давомида ўз ёнида олиб юради.

Шундан кейин 16 январь кун бу ҳужжатларни А.Самадовнинг қўшниси А.Исматиллаев орқали бериб юборади.

Қаранг, қанчалик масъулиятсизлик, жавобгарликни ҳис қилмаслик! Бир кишининг асаб торларини таранглаштириб, Президентгача шикоят ёзишга мажбур қилинди. Буни ўша инспектор билармикин, қилган хатосини тушунармикин?

Назаримизда бу ҳақда ҳар биримиз чуқур мушоҳада юритиб кўришимиз керак. Айрим ҳолларда бўлса ҳам учраб турадиган бундай салбий ҳодисалардан ўзимизга тегишли хулосалар чиқариб олишимиз зарур. Чунки бизнинг босган ҳар бир қадамимиз, қилаётган ҳар бир ишимиз ҳамма вақт кишиларнинг кўз олдида рўй беради, уларнинг диққат марказида туради. Бир сўз билан айтганда халқ манфаатлари учун хизмат қилаётган ҳар бир ходим ўзбекона муомала маданиятига, ўзбекона хўшмуомалаликка риоя қилиши, уни ўзига қурол қилиб олиши даркор. Ана шунда сарсон-саргардонликларга қисман бўлсада чек қўйилади.

Мансуржон РИХСИЕВ,
ИИБ ДАН Бошқармаси тарғибот бўлимининг инспектори, милиция катта лейтенанти.



Тахирисиз

Ўқиган бўлсангиз, бу воқеа уришиб қолган икки калтакесак ҳақидаги эртакини ёдингизга туширсан керак. Унда ҳикоя қилинишича, уларнинг жанжали фожиага сабабчи бўлади. Одамлар бу манзарани бепарво кузатиб туришади, фожиа уларнинг кўз ўнгиде содир бўлади. Доно кампирнинг ажратиб қўйинлар, деган гапига ҳеч ким қўлоқ солмайди. Натижада калтакесаклар қувалашиб ип йиғираётган жунчининг олдига бориб қолишади, у ердан эса думларига жунларни илаштириб ўчоқ бошига ўтишади ва оловда жунлар ёна бошлади. Кейин эса улар томга чиқишади, томдан-томга ўтишлари оқибатида бутун қишлоқ куйиб қулга айланади...

... Бу воқеа Совуқбулоқ қишлоғида бўлиб ўтди. Одатдагидай кечкурун телевизор томоша қилиб ўтирардик. Бирданига чироқ "лип-лип" қилди-ю ўчиб қолди. Ташқари ёп-ёруғ бўлиб, нимадир ловуллаш бошлади. Уйдан югуриб чиқиб қарасак, трансформатор ёнаётган экан. Қишлоқ кундуздай ёришиб кетган, трансформатор электр пайвандлагичдай учкун сачратиб, пориллаб ёнарди. У 10 дақиқалар ловуллаб тургач, секин ўчди. Энди ахён-ахёнда бир ёниб қўяр эди. Бу вақтда қўшни қишлоқдаги чироқлар ҳам бир ўчиб, ёнди. Текин томошани бепарво

Бепарволик Оқибати

ЁКИ ЭРТАКДАН СЎНГГИ ВОҚЕА

кузатган одамлар уй-уйларига бирин-кетин тарқалишди. Баъзилар энди бир-икки ҳафта қоронгуда ўтиришдан нолишди ҳам.

Эртаси эрталаб ҳаммамиз яна ўз ишларимиз билан банд бўлдик. Кимдир сигир ҳайдапти, кимдир қўйларини подага қўшмоқда. Тунги воқеа деярли унутилган эди. Лекин шу пайт ҳам трансформатордан олов чакнаб турар, унинг яқинига ўйнаб бориб қолган иккита кучукча эса ангиллаганича қочиб қолди. Аниқланишича, юқори кучланишли электр симларидан бири узилган экан. Ҳеч кимнинг хаёлига трансформаторни ажратиб қўйиш келмади. Бунинг устига бепарволик, ҳар ким ўзига тинч, ҳар кимга ҳам жон ширин. Хуллас, кеч ҳам тушди, ҳаво тундлашиб ёмғир ёғиб юборди.

Бир зумда ер шалаббо бўлиб кетди. Бу вақтда эса трансформаторнинг ёниши анча кучайиб, ҳар 10-15 дақиқада такрорланар эди. Ёмғир билан биргаликда яшин чакнаб, момақалдироқ гумбурай бошлади. У одамларни бўлажак фожиадан огоҳ этмоқчидек қаттиқроқ гумбурайлар, ўзларига тинч одамлар эса яна бемалол гафлат уйқусида ётишарди...

Тун яримда электр ҳисоблагичнинг учкун чиқариб ёнаётганидан уйғониб кетдик, шошилганимиздан қуруқ ёғоч билан унинг тошларини уриб синдириб, оловни ўчиришга муваффақ бўлдик. Шу пайт ҳамсоямизнинг ўғли "ёрдам беринглар, уйимиз ёнапти" деб, югуриб келиб қолди. Шошиб-пишиб уйдан чиққанимизда қишлоқнинг ҳамма

бурчакларидан қий-чув эшитилар, кимдир йиғлар, кимдир ердам сўраб кичқирар эди. Деярли барча уйнинг барча тоmidан, симёғочларидан олов чиқар, кимларнингдир хас-хашаклари ёниб борарди. Бу тилсиз ёвнинг олдига одамлар лол қолишганди. Қишлоққа катта бир фалокат яқинлашмоқда эди. Ундан фақат трансформаторни

ТАҲРИРИЯТДАН: Ёдингизда бўлса, газетамизнинг ўтган сонларидан бирида қишлоқнинг ўртасида бир отахонни бўри ғажиб кетгани ҳақида ёзгандик. Бу воқеа ҳам нимаси биландир ўшанга ўхшайди. Нимаси биланлигини ўзингиз ҳам сезган бўлсангиз керак. Сезган бўлсангиз бир қадар мақсадга эришибмиз... Ҳар ҳолда меҳр-оқибатли бўлиш, бирлашиш, бефарқ бўлмаслик хусусида ҳафталаб гапириш мужини аммо бундан натижа кам кўринади. Балки аниқ воқеалар ўйлашга, фикрлашга мажбур қилар... Янаям ўзларига нима кераклигини одамларнинг ўзи билади. Бизнинг ишимиз огоҳлантириш, холос.

Қудрат ОЧИЛОВ,
Нурота тумани.

мактуб

ўчириш билангина қутилиш мумкин эди. Биров симёғочни қулатиш керак деса, бошқаси: "Сойкечарга бориб, бизга келадиган линияни узиш керак" дейди. Ҳамма ўзича маслаҳат билдиради. Вақт эса ганимат. 30 километрлик йўлни босиб, Сойкечарга етгунча қишлоқда фожиа юз бериши аниқ.

Нима қилиш керак?! Ҳаммага ҳам жон ширин. Бунинг устига ёмғир куйиб ҳамма ер шалаббо бўлиб кетган. Лекин шундай бўлсада жонидан кечиб, жасорат кўрсатишга қодир инсонлар бор экан. Худойқул ака Кўчимов ҳамда Нормурод ака Қурбоновлар трактор билан трансформаторга яқинлашиб қўларидеги қуруқ ёғоч билан ўчиришни уриб ажратишга эришдилар. Трансформатор бир лоп этди-да, секин ўчди. Биз бу манзарани олисдан кўрқинч билан кузатиб турардик...

Бу жиноят оддий бир безориликдан келиб чиқди. Олег билан хотини Мария (аёлининг исми маълум сабабларга кўра ўзгартирилди) кечаси соат 23 ларда атрофида уйларига қайтишаётган эди. Йўлдош — 15 мавзесидаги 121-болалар боғчаси ёнига етишганда уларга беш нафар йигит йўлиқди. Улардан бири Олегдан чекиш сўради...

Йигитлар кечга яқин пиво ичишиб, "Тинчлик" кинотеатрига кинога тушишди. Аммо уларга фильм ёқмади. У ердан чиқиб кетишди. Ташқарида Аҳмад жўраларига битта қиз топиб, зўрлаш таклифини киритди. Унинг таклифига кимлар қўшилди, кимлар йўқ. Аммо ҳаммалари бир бўлиб йўлга тушишди.

Ҳозиргина айтиб ўтганимиз — 121-боғча ёнида улар бир йигит билан аёлга дуч келишди. Арзимас баҳона билан тирғала бошлашди: кимдир йигитдан чекиш сўради. У сигарети йўқлигини айтди. Кимдир жувоннинг қўлидаги сумкасини юлқиб олди ва ичини титишга тушди. Йигитларнинг иккитаси Олегни турта бошлашди. Икки ўртада жанжал чиқди. Йигитларнинг ниятлари ҳам шу эди, аслида. Уларнинг бири аёлни ҳам уриб йиқитди. Олег эса ҳамон муштлашаётган эди. Хотинини уриб йиқитишганини кўриб баттар асаби ўйнаб, жон-жаҳди билан олишга бошлади. Шу пайт Раҳмат исмли йигит ёнидан пичоқ чиқарди ва Олегнинг қорнига санчди. Буларнинг ҳаммаси шунчалар тез юз бердики, ҳатто Раҳматнинг ўртоқларидан айримлари ҳам пичоқни ким санчганини билмай қолди. Олег эса қорнини чангаллаганча кичқириб, қочиб кетди. Чамаси энди унинг кўзига ўлимидан бошқа ҳеч нарса кўринмай қолган эди...

Бу маҳалда Рафаил, Аҳмед ва Сергейлар жувонни юмалатиб, тепкилашаётган эди. Олег қочиб кетгач ҳаммалари бир бўлиб Марияни Дўстлик-2 мавзеси орқасидаги далага судраб ўтишди. Йўл-йўлакай жувон уларга йиғлаганча ялиниб борди: "нима қилсаларинг қилинглар, фақат урманглар, ўлдирманглар..."

Йўқ уни ўлдиришмади. Билганларини қилишди. Кейин жувонни "Мустақиллик" фирмаси томон судраб кетишди. Бу ерда Раҳмат билан унинг акаси Аҳмед ишларарди. Раҳмат қоровулдан ечиниш хонасининг қалитини олиб келди. Қоровулга йўлда болалар билан уришиб қолишганини, акаси иккаласи

шу тун бу ерда қолишларини айтди. Бу маҳал соат 2 лардан ўтаётган эди.

Ечиниш хонасида ҳам ваҳшийлик давом этди... Соат 23.40 ларда Т.Абдулин "Мустақиллик" фирмасига тунги сменага ишга бораётган эди. 121-болалар боғчаси ёнида йўлининг ўртасида қорнини чангаллаганча ётган-кишига кўзи тушди. Нима қиларини билмай боши қотиб турганида машинасида ҳамкасби келиб қолди. Иккаласи "Тез ёрдамга"га жўнашди. Аммо уларга олдинроқ хабар беришган экан.

Т.Абдулин келиб, ишни бошлаб юборганидан анча кейин Раҳмат келиб қоровулни чеккага чақириб нимадир деди ва қайтиб кетди. Шунда Т.Абдулин қоровулга йўлда бир кишини чавақлаб кетишганини айтди.

Орадан икки соатлар ўтиб, Раҳмат вақтни билиш учун келганида қоровул ундан сўради:

— "Дўстлик" бекатининг рўпарасида ётган одамни сен пичоқламадингми, мабодо?

— Йўқ, — деди Раҳмат ва кетиб қолди.

Эрталаб йигитлар бироз ўзларига келиб, жувонни ташқарига олиб чиқайлик, деса унинг устки кийимлари йўқ. Шунда Раҳмат бир "одамгаччилик" қилди, эҳтимол уни шу ҳолича кўчага қўйиб юборишга ҳайиққандир, ишқилиб нима бўлса ҳам аёлга кўрткаси ва кўйлагини ечиб берди. Сўнг ҳаммалари фирмадан чиқиб, уйларига йўл олишди ва 12-автопарк ёнида жувонни қўйиб юборишди. Агар милицияга хабар бергудек бўлса, ўлдириб кетишларини айтишни ҳам унуттишмади.

Аёл кечаси йигитлар ўзларини дўппослаган ерга келди ва сочилиб ётган ҳужжатлари, сумкасини олди.

Воқеанинг бу ёғи ҳам жуда тез кетди: йигитлар қилиб қўйган ишларини ўтириб, бафуржа ўйлаб кўрмаслариданоқ қўлга тушишди.

Шундай қилиб енгил-елпи ўй-хаёллар натижасида бир кишининг умрига зомин бўлинди, бир киши бахтиқаро бўлиб қолди, беш йигит умрининг эса ажойиб онлари қамоқда ўтадиган бўлди: узоғи 11, яқини 9 йилгача озодликдан маҳрум этилди.

М.МАННОНОВ,
Сирғали туман прокурори.
Ё.ЖАМОЛОВ,
шу туман прокуратураси
катта терговчиси.

ИККИ КАРРА ҲУРМАТ

Бу галги судда жамиятимиз равнақи учун тўғаноқ бўлаётган энг хавфли иллатлардан бири — порохурлик тўғрисидаги иш кўрилаяпти. Қора қорсида эса ҳали ўн гулдан бир гули очилмаган, масъул лавозимда ишлаган 26 ва 24 ёшли икки йигит бош эгиб турибди.

Судда иштирок этаётганлар бу иккала навқирон йигитга ачиниб қарайди. Нанлож, жиноят қилдингми, жазо олишинг муқаррар. Агар ҳар иккаласи виждонини, мансабини сунистеъмол қилмаганида, ишониб топширилган вазифани ҳалол бажарганида, бугун қора қорсида одамларга тик боқолмасдан, ерга тикилиб ўтирмаган бўлар эди.

Бухоро шаҳар Тўқимачилик тумани давлат солиқ назорати инспекцияси катта инспекторлари Собир Деҳқонов ва Дониёр Шариповлар "Наврўз" матлубот жамиятига қарашли 4-сон аралаш моллар савдо дўқонида текшириш ўтказганларида совун, чой ва халқ эҳтиёжи учун зарур бўлган бошқа моллар яшириб қўйилганлигини аниқлайдилар. Ҳужжатлар тузилгач, савдо дўқони мудир Аъзам Аҳроров уларни ҳеч кимга топширмасликни илтимос қилади, эвазига 3 минг сўм пул келтириб беради. Аммо назоратчиларга бу кам эди. Шунда савдо дўқони мудир А.Аҳроров 5 минг сўм беришини айтганда, назоратчи С.Деҳқонов: "Сен бизни ким деб ўйлаяпсан, 5 минг сўмни менга

хурматим учун берадилар, агар 10 минг сўм берсанг, омон қолсан, бўлмаса магазинни беркитиб, тафтиш қиламиз," — деб қўрқитади. Дўқон мудир иложи қолмагач, шартга рози бўлади, аммо ҳозир 10 минг сўм пули йўқлигини, эртага албатта топиб қўйишни айтиб, назоратчиларни жўнатади. Улар кетгач ИИБга ариза билан мурожаат қилади.

Эртаси куни иккала назоратчи яна дўқонга қайтиб келишади, келишилган 10 минг сўм пулни олиб жўнаб кетишади. Бироқ ички ишлар бўлими ходимлари уларни пора билан қўлга олишади.

Суд Собир Деҳқоновни олти ярим йилга, Дониёр Шариповни эса олти йилга озодликдан маҳрум этиб, жазони куча ётирилган режим ўрнатилган ахлоқ тузатиш колониясида ўташни белгилади, шунингдек уларга тегишли мол-мулклар давлат фойдасига мусодала қилиниши тўғрисида ҳукм чиқарди.

Ш.Қўлдошев,
милиция майори.

Муваффақиятсизликлар чиниктиради

Қайта тикланган "Динамо" (Самарқанд) футбол жамоаси ҳали ўзининг энг яхши ўйинларини кўрсатганича йўқ

Ўзбекистонлик ишқибозлар саксонинчи йилларда собиқ Иттифоқ биринчилигининг зонал турнирларида, СССР Кубоги учун ўтказилган ўйинларда кўпинча муваффақият қозониб келган ўзига хос "Динамо" (Самарқанд) футбол командасини ҳали унутмаган бўлсалар керак. Лекин бир неча йил олдин, кўпчилик учун кутилмаганда у тарқатиб юборилди. Нима учун шундай бўлди, бунинг сабаби нимада? Бундай саволлар жавобсиз қолаверди. Бу йилги Ўзбекистон биринчилигида Самарқанд "Динамо"си яна ўйинлар жадвалидан ўрин олди. Биз Самарқанд вилоят "Динамо" ФСЖ раиси, ички хизмат подполковниги В. Абдурасуловдан бу хусусда батафсил сўзлаб беришни илтимос қилдик.

— Гапни бошидан бошлайлик. Самарқанддаги "Динамо" футбол командаси 1976 йилда ташкил топди, машҳур дарвозабон ва спорт арбоби Лев Иванович Яшиннинг саъй-ҳаракатлари бунда катта роль ўйнаган эди. Дастлабки йилларда энг мураккаб масалаларни ҳал қилишга қодир бўлган маслакдошлар жамоаси шаклланиб борди. 1980 йилдаёқ "Динамо" зонал турнирда биринчи ўринни эгаллади, энди у биринчи лигага чиқиш учун кураша бошлади. Лекин команда бунга эришишга муваффақ бўла олмади. Шундан сўнг тўрт йил давомида динамочилар турнир жадвалида биринчи ўринга чиқиш учун Фарғонанинг "Нефтяник" командаси билан беллашдилар, гоҳ у, гоҳ бу команданинг қўли банд келсада, охир-оқибат биринчи лигага йўллангани "Нефтяник" кўлга киритди.

Самарқандликлар ўн йил давомида ўз кичик гуруҳларида тўртинчи ўриндан пастга тушганлари йўқ, беш маротаба СССР Кубоги ўйнида қатнашдилар. Футболчилар энг катта муваффақиятга 1984 йилги мавсумда эришдилар, улар 1/8 финалга чиқиб, "Гурия" (Ланчхути), "Факел" (Воронеж), "Жальгирис" (Вильнюс) сингари кучли командаларни ҳам доғда қолдирдилар.

— Халқаро учрашувлар ҳам ўтказилганми?

— Ҳа, команда француз, поляк, булгор, мжор футболчилари билан кўп маротаба учрашган. Команда ўртоқлик учрашувини ўтказиш учун Вьетнамга борган.

— Ҳамманинг эсига 1990 йил келди...

— Буни эслаш қайғули. Ўша йилнинг январда футболни тунунмайдиغان бир гуруҳ раҳбарларнинг қарори билан команданинг кейинги уч йиллик тақдири самарасиз кетди. Ҳозир бу раҳбарларнинг исм-шарифини

айтишнинг ҳожати йўқ деб ўйлайман, ушанда бу қарорни қабул қилганлар ўз виждонлари олдида жавоб берсинлар. Самарқанд футболнинг бой берилган мавқеини қайтариш, сафида ички ишлар идораларнинг жуда кўп ходимлари бўлган "Динамо" мизнинг садоқатли мухлисларини ўйингоҳларга қайтариш учун куч-ҳаракатларни сарфлаш зарур бўлган пайт этиб келди.

— Бу борада бирор иш қилинганми?

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида футболни янада ривожлантириш чоралари тўғрисида"ги қарори "Динамо" футбол клубининг қайтадан тикланишида муҳим роль ўйнади. Биз республика ИИВ, Самарқанд вилоят хокимлигидан, шунингдек кўпгина тижорат тузилмаларидан миннатдоримиз, уларнинг қўллаб-қувватлаши ва молиявий кўмаги туфайли Самарқандга катта футболнинг қайтиши мумкин бўлди.

— Лекин биринчиликнинг турнир жадвалидаги аҳволга қараганда команданинг ишлари ҳозирча мақтанарли бўлмас керак?

— Нима дейиш мумкин. Бугунги кунда команда асосан етарлича ўйин тажрибасига эга бўлганда жуда еш футболчилардан иборат. Улар "Динамо" вилоят кенгашининг тайёргарлик гуруҳлари ва олимпия резерви болалар-ўсмирлар спорт мактабидан келишган. Уларга қийин бўлмоқда, лекин Э. Воҳидов, Б. Мажидов, К. Газаров сингари фахрийлар билан ёнма-ён турган ешлар футбол сирларини тезроқ ўзлаштирмоқдалар, улгаймоқдалар, энг чапдаст рақиблар билан тенгликдек курашишга интилоқдалар. Республика терма командаси

аъзоси О. Горвиц ва олимпия терма командаси аъзоси Т. Раҳматуллаев ҳозирда ноқ жасак маҳорат намуналарини намойиш этишмоқда.

Илгари турли сабаблар билан командани тарқ этган ўйинчиларни энди унга қайтариш жуда муҳим вазирадир. Улар орасида ҳозир Ўзбекистоннинг турли клублари ва МДХ мамлакатлари командаларида ўйнаётган О. Тиллаев, М. Фомин, В. Романов, С. Нарзикулов, Н. Суцкий, В. Карпенко, И. Шарипов, И. Файзуллаев сингари танқиди футбол усталари бор. Улар қайтиб келгач, ишларимиз янада олға силжишига ишончимиз комил.

— Яна бошқа муаммолар ҳам борми?

— Ҳозирча баъзи ташкилий масалалар, моддий-техника таъминоти масалалари ҳал қилинган эмас, бироқ тўлақонли машқ қилиш, ўйинлар ўтказиш учун шарт-шароит мавжуд. Футбол майдони, минбарлар, қийиниш ва ювениш хоналари, маъмурий бинолар таъмирланди.

Ёшлардан чиққан катта тренер Р. Истамов бошчилик қилаётган навқирон футбол жамоаси қадимий Самарқандда "Динамо" футбол командасининг аввалги шухратини тиклаш учун бутун куч-гайратини сарфлашга ишончим комил. Дастлабки пайтдаги муваффақиятсизликлар эса чинакам футболчиларни чиниктиради. Халқ мақолида айтилганидек, жўжани кузда санайдилар. Биз ҳам шундай фикрдамыз.

Суратда: Самарқанднинг "Динамо" футбол командаси.

Ўз мухбиримиз.



БИЗДАН СЎРАБСИЗ АРМИЯДАН СЎНГ — МИЛИЦИЯГА

...«Постда» — «На посту» газеталари таҳририятининг ҳурматли ходимлари! Ички ишлар идоралари ходимларининг иш кунлари ҳақида ҳикоя қилмаётган ҳафтаюнамангизнинг ҳар бир сонини қизиқиш билан ўқийман. Учта акам милицияда хизмат қилмоқда, ўзим ҳам армия хизматидан қайтгач милиционер бўлмоқчиман. Армиядаги хизматим тугашига оз қолди. Мен ҳам, акаларим сингари, милиционер бўла олармиканман?»

Бу сатрлар Фарғона вилоятининг Охунбобоев туманидаги Ниёзов номи хўжалиқдан ҳақиқий хизматга қақирилган ҳарбий хизматчи А. Ганиевнинг таҳририятимизга юборган хатидан олинган.

Бундай мазмундаги хатларни кўп олаёмиз. Ўзбекистон Республикаси ИИВ аппарати кадрлари билан ишлаш бўлимининг катта назоратчиси, ички хизмат майори Александр Иванович Неверовнинг таҳририятга берган жавобига қараганда, Қуролли Кучлар сафидан бўшатилган кишилар ички ишлар идораларидаги ишга умумий асосларда қабул қилинади. Амалдаги қоидага кўра, 30 ёшгача бўлган, камида ўрта маълумоти бор, жисмонан соғлом кишилар ички ишлар идоралари ходимлари бўлиши мумкин. А. Ганиев бунинг учун ўз командиридан тавсифнома (характеристика) сўраши мумкин. Бу ички ишлар идораларига ишга киратган фуқаро ҳақида расмий сўраш билан боғлиқ ортиқча оворагарчиликлардан халос қилади.

Милицияга ишга киришни хоҳловчи кишилар ўз вилоятлари ҳокимлигининг ички ишлар бошқармасига мурожаат қилишлари керак.

ТУЗАТИШ

Газетамизнинг 39-40-сонларида эълон қилинган "Тартибот" пул-буюм лотереясидаги "003058 073* — 100 сўм пул ютуғи" ўрнига "003058 073* — 1000 сўм пул ютуғи" деб, "003340 025**" эса "003440 025**" деб ўқилиши керак.

Тираж комиссияси.

«ҒИШТ ЗАВОДИНИНГ БЕЛГИСИ, ДЕБМАН...»

ДАН инспектори йўл ҳаракати қондаларини бузган машинани тўхтати.

— Ўртоқ шофёр, бу қандай белги? — сўради инспектор йўл ёқасидаги белгини кўрсатиб.

— Ғишт.
— Ие, ахир бу "кириш мумкин эмас" деган белги-ку!

— Кечирасиз, мен ғишт заводининг белгиси, деб ўйлабман.

ҲУШЁРХОНАДА

— Эҳ! Ҳеч ким менчалик ичолмас керак. Бир тўйиб ичсам икки кунгача ўзимга келолмайман.

— Ҳм... шу ҳам ичиш бўлди-ю! Мен бир ичсам, 15 кундан сўнг топиб олишади...

ХАЁЛПАРАСТ ЭР

Еш келинчак шофёр эридан сўради:
— Мансуржон ака, иш пайтингизда мени ҳеч ўйлайсизми?

— Бўлмас-чи, сени ўйлавериб, икки марта автоҳалокатга учрадим-ку!

«ҲАР ҲОЛДА ИШГА КЕЧ ҚОЛДИМ...»

Автоинспектор қондани бузиб,

ҲАНГОМАЛАР

транспорт қатновига халақит бериб келаятган машинани тўхтатиб, ширакайф ҳайдовчидан ётиғи билан сўради:

— Сиз шу аҳволда қаёққа кетяпсиз, ошна?

— Анигини билмайман, лекин ҳар ҳолда мен ишга кеч қолганга ўхшайман. Ахир ҳамма ортига қараб қайтиб келяпти-ку!..

«БУ ФИЛЬМНИ КЎРГАН ЭДИМ...»

Бошлиқ янги ишга келган изқувардан сўради:

— Қани айт-чи, жиноятчининг изини қандай йўқотдинг?

— Унинг кетидан изма-из кетаётган эдим, бир вақт у кинотеатрга кириб кетди.

— Нега орқасидан кирмадинг? — сўради бошлиқ.

— Чунки, мен бу фильмни кўрган эдим-да, — жавоб қилди еш изқувар.

ТУШГА ИШОНАМАН...

Сафар қўшнисидан сўради:
— Сен тушга ишонасанми?

— Бир воқеадан кейин ишонадиган бўлганман.

— Қайси воқеадан кейин?

— Бир кун тушимда қаттиқ маст бўлиб қолибман, милиционерлар мени хушёрхонага олиб кетишибди. Уйғониб қарасам, чиндан ҳам хушёрхонада ётибман.

АФАНДИ УЯЛДИ

Бир кун Афандининг уйига тунда ўғри тушибди. Ўғрилар уйнинг ҳамма ёғини ағдар-тўнтар қилиб, ҳеч нарса топа олмабдилар.

Қайфиятлари бузилган ўғрилар эшик томон кетишибди. Шунда улардан бирининг кўзи эшик орқасига беркиниб турган Афандига тушиб қолди.

— Ие, нега беркиниб олдинг? — деб сўради у.

— Уйимда ўғриларга ҳам ҳеч нарса топилмагани учун уялганимдан беркиниб олдим, — деб жавоб берди Афанди.

СУДРАБ КЕТИШАДИ...

Хушёрхонада эрталабгача ўтирган,

Боқивойга ниҳоят уйига жавоб тегди. Боқивой қувониш ўрнига қоғоғини уйди. Бундан ажабланган хушёрхона бошлиғи сўради:

— Боқивой, хурсанд бўлиш ўрнига нега кайфиятинг тушиб кетди?

— Ўртоқ майор, рухсат беринг, бу кеча ҳам хушёрхонада қолай.

— Нега? — баттар ажабланди бошлиқ.

— Чунки, бугун ишхонамизда маош бериладиган кун, демек оғайниларим яна судраб кетишади...

ЯНА ХУШЁРХОНАГА ТУШДИ

— Опа, акамдан ҳавотир бўлманг!

— Нега?

— Уни яна хушёрхонага олиб кетишди.

МУШУК МУЗХОНАДА

Эр-хотиннинг жанжали авжига чиқиб, хотин йиғламсиради:

— Мен мушугингизни пишт деяпманми, нега бекорга жанжал қилаверасиз?

Уларнинг гапига Нодир аралашди:

— Дада, ойим мушукни пишт деганлари йўқ, мен уни эрталаб музхонага қамаб қўйганман...

Т. МУРОДЖОН.

- Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.
- Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очик эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.
- Муаллифнинг мулоҳазаси таҳририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.
- Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000021. Буюртма Г — 244, 35.739 нусхада босилди. Ҳажми — 2 босма табақ. Босилиш — офсет усулида. Босишга топшириш вақти — 19.00. Босишга топширилди — 19.00.

ТЕЛЕФОНЛАР: муҳаррир — 39-70-40, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, масъул котиб — 59-29-66, мухбирлар бўлими — 59-20-92, умумий бўлим — 59-21-21. Обуна рақами — 64615.

Муҳаррир Зокир ОТАЕВ. МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Г. Лопатин кўчаси, 1.